



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 21-oktabr № 126 (2851) payshanba

Ўзбекистон-Туркменистон: Ҳамкорликнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Туркменистон Президенти
Гурбангули Бердимухамедовнинг
таклифига биноан 19-20 октябр
кунлари расмий ташриф
билан ушбу мамлакатда бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифига Ашхободда катта тайёргарлик кўрилган. Шаҳар аэропорти, кўчалари икки мамлакат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги қутлов сўзлари билан безатилган.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 октябр куни Ашхободдаги «Ўғузкент» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тор доирадаги суҳбатидан бошланди. Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов ўзаро муносабатларни ҳар томонлама чуқурлаштириш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган деярли барча масалалар юзасидан позициялар ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир қарра ўз тасдиғини топганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Туркменистоннинг пухта ўйланган ташқи сиёсат йўлини, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақада савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўлақлари ва энергетика йўналишларини ривожлантиришга доир ҳолис ёндашувларини, асосли ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари иқтисодий муносабатларга тўхталиб, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, 2009 йилда икки томонлама савдо айланмаси қарийб 40 фоиз ўсганини, бунда биргаликдаги савб-ҳаракатлар ва кўрилган амалий чоралар, жумладан, Тошкент ва Ашхободда икки мамлакат миллий кўргазмаларининг ўтказилгани муҳим омил бўлганини қайд этди.

— Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида эркин савдо тартибини тўла жорий этиш мамлакатларимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг эркин ҳаракатланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади, — деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича Ўзбекистон-Туркменистон қўшма корхонасининг очилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов мамлакатимиз Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури қурилишига оид лойиҳанинг амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини таъкидлади. Мазкур қувур табиий газ учун барқарор транзит йўлагини шакллантириб, Марказий Осиё минтақасидан углеводород хомашёси экспортини диверсификация қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбари минтақамиз коммуникация салоҳиятидан фойдаланишда мамлакатларимиз учун очилаётган истиқболли йўналишларга алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда)

«Янги авлод — 2010»

Ёш истеъдодлар аниқланди

«Янги авлод — 2010» болалар ижодиёти фестивалининг
Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди



2-бет

Ўзбекистон-Туркменистон: Ҳамкорликнинг янги босқичи

(Боши 1-бетда)

— Бу ўринда гап Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда, — деди Ислоҳ Каримов. — Бу масалани биз Туркменистон Президенти билан муҳокама қилдик ва мен бу лойиҳа, бу йўлак мамлакатларимиз катта эҳтиёж сезаётган коммуникация йўналишлари, жаҳон бозорига чиқиш учун улкан имкониятлар яратиши мумкинлигини Туркменистон Президенти тўлиқ маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро ишончли ҳамкор бўлади, деб таъкидламоқчиман. Бу оддий лойиҳа эмас. Ундан мамлакатларимиздан ташқари бошқа кўплаб давлатлар ҳам манфаат кўради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Туркменистон муҳим ўрин тутди. Агар Туркменистон мазкур ишни амалга оширишни бошласа, бошқа мамлакатлар ҳам уни қўллаб-қувватлашига ишонман.

Музокаралар якунида Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбе-

кистон-Туркменистон кўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Туркменистоннинг Тошҳовуз шаҳрига бордилар.

Бу ерда 18 октябр куни Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг дўстлик фестивали бошланган эди. Унда Ўзбекистон ва Туркменистондан уч юздан зиёд санъаткор иштирок этаётгани анжуманининг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради. Фестивал ўтаётган Сапармурод Туркманбоши номидаги сайилбоғ ҳар куни меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Бу ерда Президентлар халқ амалий санъати буюмлари, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар. Чавандозлар, полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Туркменистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига жаҳондаги энг ноёб ахалтеки зотидан бўлган «Файрат» лақабли от совға қилди.

Тошҳовуздаги «Рухият» саройида дўстлик фестива-

лининг асосий воқеаси — Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталарининг галаконцерти бўлди.

Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов мамлакатларимиз муносабатлари тарихида илк бор ташкил қилинган ушбу ижодий анжуман ўзбек ва туркман халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Бугун барчамиз Туркменистоннинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Тошҳовуз шаҳрида ўзбек ва туркман халқларининг маданий ҳаётида катта из қолдирадиган тарихий бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деди Ислоҳ Каримов. — Ота-боболаримиздан қолган бир ҳикмат бор: агар қайси бир халқнинг табиати, қалби ва юрагини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг маданияти, адабиёти ва санъатини билиш керак. Чиндан ҳам, ҳар бир халқнинг шоир ва бастакорлари, бахшилари ва ижрочилари яратган асарларда шу элнинг қувончи, эзгу интилишлари, орзу-армонлари мужассам бўлади.

Туркменистоннинг миллий мумтоз санъати, жозибдор эстрада кўшиқларини эшитганимда, туркман хал-

қининг тобора обод ва фаровон бўлиб бораётган бугунги ҳаётини, унинг барча соҳаларда қўяётган дадил қадамларини, туркман ёшларининг азму шижоатини, сулув қизларининг назоқатини ёрқин тасаввур қиламан. Ишончим комилки, мана шу ҳашаматли залда ўтирган туркман дўстларимиз ҳам буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларини ўқиганда, куй ва кўшиқларимизни тинглаганда элу юртимизнинг кечаги кунини, бугунги фаровон ҳаётини ёрқин тасаввур қилдилар, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

— Неча асрларки, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларида ўзига хос маданият ва цивилизация намояндalари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда, — деди Гурбангули Бердимухамедов. — Бу халқларимизга хос меҳроқибат, тинчликпарварлик, очиқ кўнгиллик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг намойиши бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бундай фестиваллар ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига янада яқинлаштиради. Бу форум Ўзбекистон ва Туркменистоннинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенгроқ танишиш, ижодий муло-

қотларни фаоллаштириш учун қулай имконият бўлди. Зеро, маданият ва санъат намояндalари бир неча кун давомида театр ва концерт залларида ўз маҳоратини намойиш этиш баробарида, кўплаб ижодий суҳбатлар, учрашувлар ўтказдилар. Бу фестивал икки халқнинг истеъдодли ижодкор ёшлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлади. Чунки фестивал иштирокчиларининг асосий қисмини ёш авлод вакиллари ташкил қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада юсак босқичга кўтарилганидан ёрқин далолатдир. Ашхободдаги музокаралар ва Тошҳовуздаги дўстлик фестивали мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши кўшничилик, дўстлик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини янги бир бор намойиш этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Ашхобод —
Тошҳовуз — Тошкент

Ёш истеъдодлар аниқланди

(Боши 1-бетда)

Иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш ва ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу аънавий танлов нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу йил танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб деб топилган 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 493 нафар ёш истеъдод соҳиблари Қорақалпоғистон Республикаси босқичида беллашди.

— Болаларнинг ижод байрамига айланган мазкур фестивалга қизиқиш тобора ортиб бормоқда, — дейди «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали жамоатчилиги кенгаши аъзоси Дилдора Жамолова. — Ўтган йили мамлакатимиз бўйича танловда иштирок этишни хоҳловчи ёшлардан 18 мингдан ортиқ ариза тушган бўлса, бу йил 23 мингдан кўпроқ ариза қабул қилинди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2 мингдан зиёд ариза тушди. Фестивал кўплаб истеъдод эгаларини кашф этиб, уларга катта санъат йўлида пиллапоя бўлмоқда.

Ёш истеъдод эгалари олти йўналиш бўйича 15 жанрда — классика, торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган мусикий асбоблар, миллий рақс санъати, вокал, аънавий, академик, эстрада ва фолклор ижрочилиги, рассомлик санъати бўйича ўз иқтидорини намойиш қилиб, ижодий ишларини тақдим этди.

Тахтатошлик Тимур Турсимамбетов, тўрткўллик Оғабек Отажонов, тахтақўпирлик Расул Сайимбетов, қораўзаклик Нодира Бойкенжаева, эллиққалъалик Шукурулла Абдуллаев, берунийлик Мавлон Аҳмадов, нукуслик Ойсулув Наврўзбоева, хўжайилик Зийвар Алписбоева каби ёшларнинг санъат ва адабиёт соҳасидаги изланишлари, Тўрткўл туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактабининг «Сараҳбор», Хўжайили туманидаги 1-Республика болалар меҳрибонлик уйининг «Тонг юлдузи», Нукус шаҳридаги 32-умумтаълим мактабининг «Жигитлер» гуруҳларининг ижрочилик маҳорати юкори баҳоланди.

Танловда голиб деб топилган 48 нафар истеъдодли ёшлар мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

А.ОРТИҚБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Етти хазинанинг бири

Нишон тумани ҳудудида 1,5 млрд. кубометр обиҳаётни сиғдирадиган Талимаржон сув омбори, ўнлаб сунъий кўллар, бир неча юз километр масофага чўзилган зовурлар бор. Амударёдан сув олиб, Қашқадарё вилояти экинзорларига ҳаёт бағишлайдиган Қарши магистрал канали оқиб ўтади.

Талимаржон сунъий денгиздаги 6900 гектар сув ҳавзаси балиқчилик билан шуғулланадиган хўжаликларга шартнома асосида бўлиб берилган. Айни пайтда Отакул Жонқулов, Ҳасан Хидиров, Насиба Султонова ва Рустам Қодиров бошлиқ корхоналарда сазан, оқ амур, дўнпешона каби балиқ турлари кўпайтирилмоқда.

336 гектар сунъий сув ҳавзасида балиқ етиштирилмоқда. Айни пайтда вилоятдаги сунъий кўллар майдони 800 гектардан ошди.

Табиатнинг бу неъматини кўпайтириш мақсадида сунъий

Парҳез маҳсулот кўпаймоқда

— Ҳар бир киши йил давомида 10-12 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши керак, — дейди тажрибали шифокор Сардор Эркаев. — Бу турдаги маҳсулотларни кўпайтириш борасида воҳамизда кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти.

«2009-2011 йилларда республика балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури» асосида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Балиқчилик билан шуғулланадиган ўнлаб фермер хўжаликлари тузилиб, уларга керакли микдорда ер майдони ва сув ҳавзалари ажратиб берилди. Қарши туманида Баҳром Тўйчиев раҳбарлик қилаётган хўжалик 1 гектар майдонда сунъий кўл барпо этапти.

«Соф ҳавзалар» масъулияти чекланган жамиятга қарашли 112 гектар сунъий кўлда балиқнинг сермаҳсул турлари парвариш қилиниб, бултур истеъмолчиларга 35 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилди. Жорий йил бошида кўлга 100 минг дона 400 граммли балиқ чавоқлари ташланиб, 100

тонна балиқ овланиши кўзда тутилган.

Бу борада «Наврўз» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Тошмурод ота» фермер хўжалиги, «Жайхун саховати», «Соф денгиз» хусусий корхоналарида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тендер асосида мавжуд табиий ва сунъий сув ҳавзалари аҳолига ижарага берилди. Ҳозирги кунда 19,6 минг гектар табиий сув ҳавзаси 13 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ва тадбиркорлар тасарруфида.

Вилоят ҳокимининг қарорига асосан Талимаржон иссиқлик электр станцияси ва Муборак иссиқлик-энергетика маркази ихтиёрида ҳар бири 10 гектарли сунъий кўл ҳосил қилинди. Бундан ташқари, 53 та балиқчилик билан шуғулланадиган янги хўжалик ташкил этилди. Улар тасарруфидаги

сув ҳавзаларига 510 минг, табиий кўлларга 190 минг дона 20-25 грамм чавоқ ташланди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан маълум қилишларича, воҳада бизнинг иқлимга мослашган ва юқори маҳсулдорликка эга лаққа, оқ амур, сазан, қора карп, карас ва судак кўпайтириляпти. «Нишон табиат инъомлари» шўъба корхонасида 150 миллион сўм микдордаги кредит эвазига 41 тонна маҳаллий шаройтта мослашган балиқ чавоқлари кўйилди ва парваришланмоқда. Жорий йилда Талимаржон сув омборида жойлашган бу ҳавзадан 69 тонна балиқ овланиши режалаштирилган. Корхона томонидан барча қулайликларга эга балиқ дўкони қуриляпти.

Бултур вилоятда 419 тонна балиқ овланган бўлса, бу йил ушбу парҳез маҳсулотни 450 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Демак, Қашқадарёда халқимиз «луқмаи ҳалол» деб улуғлайдиган балиқ етиштириш янада кўпаяди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Узоқни яқин қилиб

Денов туманига кунига 3-3,5 минг нафар меҳмон келиб-кетди. Чунки бу ернинг бозорлари бисёр бўлиб, харидор истаган нарсасини топади.

Шаҳар йўлларида қатнаб турган РАФ русумли микроавтобуслар эскириб, талабга жавоб бера олмаётганини кўрган тадбиркор Маҳмудхон Иброҳимов хайрли ишга қўл урди. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Файз» МЧЖ жамоасининг қўллаб-қувватлаши билан «ISUZU» русумли автобуслардан 20 тасини харид қилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 37 йўловчига мўлжалланган ихчам, қулай ва замонавий автобусларнинг «Бозор —


Чинор», «Бозор — Педкол-леж» ва «Бозор — Марказий касалхона» йўналишлари

Транспорт хизмати

бўйича қатнови йўлга қўйилди. Хайдар Жумаев, Алижон Донаев, Фурқат Қодиров сингари тажрибали ҳайдовчилар хизмати кўпчиликка манзур бўлаяпти.

Айтиш керакки, «Файз» МЧЖ ўтган йили ҳам ушбу мақсадда Россиядан 10 та «Газел» русумли микроавтобус келтирганди. Туман автотранспорт бошқармаси бошлиғи Ҳафиз Норбоев, ишбилармон Маҳмудхон Иброҳимов ва бошқа тадбиркорлар амалга ошираётган хайрли ишлар одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири



5 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Бешариқ деҳқон бозорида 50 та савдо дўкони ва 1500 та савдо расталари мавжуд. Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун барча шароит яратилган.

Тургунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Бешариқ тумани

Тадбир

Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида она тилимизга Давлат тили мақоми берилганлигининг 21 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда оналар, маҳалла фаоллари, фахрий устозлар, халқ таълими бошқармаси ходимлари иштирок этди.

Гўзал ва маънодор

Қатнашчиларга конвертларда мақол ва иборалар ёзилган карточкалар тарқатилди. Вазифанинг аҳамиятли томони, жавобларда икки хил кўриниш акс этиши, ҳам ҳақиқий, ҳам қарама-қарши маънодаги шарҳлар бўлиши лозим эди. Маълумки, ўзбек тили мақол, ибора ва қочирмаларга бой. Булар орқали нутқимиз янада гўзаллашиб, маънодор бўлади. Ушбу шартнинг муваффақиятли бажарилиши фикримизни яна бир қарра исботлаб берди. Ҳар бир иштирокчи жавоб берар экан, ҳақиқий тарғиботчига, таъбир жоиз бўлса, тилшуносга айланди.

Саҳнага Алишер Навоий ролида чиқиб, унинг шеърларини маҳорат билан ўқиган, ўз ижодидан намуналар айтган мактаб ўқувчиларини кўриб ҳайратландим.

Ҳақиқатдан тилимиз жуда гўзал. Ёшлигимда ҳаммиша уйимизни тўлдириб турадиган меҳмонлардан ширин-ширин суҳбатларни, дадам суйиб эшитадиган «Гўрўғли», «Бозиргон», «Кийик» дostonларидаги айтишувлар, қўшиқларни кўп эшитганман.

Бугун тилимизнинг бор хусусияти ва софлигини ўқувчиларга тўлиқ етказишга ҳаракат қилаётган уни ардоқлашга, асрашга ўргатаётган устозларга минг раҳмат.

Зухраҳон РЎЗИМЕТОВА,
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бош методисти,
Халқ таълими аълочиси

Кўшхабар

Зарафшон шаҳрининг Мурунгов кўрғониде замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Баркамоллик йўлида

Қаровсиз қолган иншоот маҳаллий бюджет ҳисобидан етмиш тўққиз миллион сўм эвазига қайта таъмирланиб, кўркем кўринишга келтирилди. Бу ерда тренажёр зали, миллий кураш, стол тенниси, волейбол, баскетбол, минифутбол сингари секциялар фаолият юритмоқда. Худуд аҳолиси, хусусан, ёшлар «Баркамол авлод йили»даги бу тухфадан ниҳоятда мамнун.

Мансур ЗОИРОВ

Поликлиника иш бошлади

Зарафшон шаҳрининг 12-кичик туманида кўп тармоқли поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. 64 нафар олий ва ўрта махсус маълумотли ходим ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларга тиббий хизмат кўрсата бошлади. Муассасада нафақат тиббий текширишдан ўтиш, балки стационар даволаниш учун ҳам имкониятлар етарли. Соҳавий даволанишнинг барча турлари бўйича замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар келтирилган.

«Аёллар қаноти»нинг парвози

Фарғона туманидаги «Аёллар қаноти» клуби аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом оилани шакллантиришни мақсад қилган.

— Фарзандларимизни баркамол қилиб тарбиялаш нафақат халқ таълими ходимларига, балки бутун жамиятга тааллуқли вазифа. Шу боис жамоат ташкилоти сифатида бу ишга астойдил киришганмиз, — дейди клуб раиси Нозима Аҳмедова. — Клубимиз асосини мактаб, боғча, «Био-эксосан» ва туман ҳокимлигида фаолият юритадиган раҳбарлар ва йирик тадбиркор аёллар ташкил қилади. Ҳозир бошланғич синфларга мўлжалланган «Саломатлик», юқори синфларда ўтилаётган «Соғлом авлод асослари»

ҳамда «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» дарсларини турли ёш ва касб эгалари билан учрашув, интерфаол

Фаолият

усулдаги суҳбатлар билан бойитишга эътибор қаратганмиз. Клубимиз ташаббуси билан таълим масканларида «Келин салом», «Рўзғорда беканинг мажбурияти» сингари миллий анъаналаримизни тарғиб қилувчи тадбирлар ўтка-

зиб келинмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳамда «Аёллар қаноти»нинг аёллар ва қизларни спортга жалб қилиш борасидаги ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Туман умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизларининг 40 фоизи спортнинг баскетбол, волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, қўл тўпи, кураш, шахмат ва шашка турлари бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Улугбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳарбий ватанпарварлик

Олий бурч

Ҳозирга қадар касб-ҳунар коллежи республика «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ва вилоят бўлимнинг 30 га яқин фахрий ёрлик, диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. Муассасада ҳарбий таълим учун ажратилган хоналар замонавий воситалар билан жиҳозланган. «Ватан ҳимояси — олий шараф», «Таянчимиз ва суянчимиз», «Ҳарбийликдан сабоқлар», «Жангда жасорат, меҳнатда матонат» каби фотокўргазмалар киши эътиборини тортади.

2009-2010 ўқув йилида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларига тайёр-

гарлик ҳар қачонгидан кўра қизғин тус олдирилди. Ҳарбий интизом, қурол-ярғоннинг сақланиши ва қўлланишига доир билимлар намоийиш этилди. Тайёргарлик асносида миллий кураш, турникда тортиниш, сузиш, арқон тортиш, сафда кўшиқ айтиш, югуриш бўйича мусобақалар ўтказилди. Шунинг учун ҳам ўқувчилар вилоят ҳарбий-спорт ўйинларида биринчилиқни қўлга киритиб, республика босқичида учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Коллежда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий қисм офицер ва аскарлари ҳамда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари тез-тез меҳмон бўлиб туришади.

Ўқувчилар томонидан «Ватанпарвар»

деворий газетаси ва «Жанговар варақа» чиқарилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий таълим хонасида ватанпарварлик мавзусидаги турли адабиёт, почта маркаси ҳамда фотосуратлардан иборат коллекция ташкил этилган.

— Ҳозиргача коллежимизнинг собиқ ўқувчиларидан 50 га яқини олий ҳарбий билим юртларини тамомлаб, юрт хизматидаги киришган, — дейди коллеж директори Тохир Ҳамроқулов. — Бунда чақириққача ёшларни тайёрлаш фанининг олий тоифали ўқитувчиси, катта лейтенант Бахтиёр Миллаевнинг ҳиссаси беқиёс.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти



Ҳарбий хизмат соҳасидаги ислохотлар армиямиз сафига жисмонан етук, маънан баркамол ёшларни танлаб олишга имкон яратмоқда. Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш ҳам муҳим вазифалардан бирига айланиб улгурди. Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежиде олиб борилаётган ишлар фикримизни тасдиқлайди.

21 октябрь — ўзбек тилига

Миллатга ҳурмат ифодаси

Тилимизнинг нуфузини юксалтиришга бел боғлаган устозларимизнинг фидокорона хизматлари таҳсинга лойиқдир. Ҳозир талабаларимиз хорижий тилларни завқ-шавқ билан ўрганишга эътиборини, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда намойиш этаётгани дилни фахрга тўлдиради.

Авалло, тил ўрганаётган ҳар бир инсоннинг кўз олдида ўз она тили, маданий мероси, миллий қадриятларига бўлган меҳри товланиб туриши лозим. Хўш, ватанимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари ўзбек ёшлари хорижий тилларни ўргангандек тилимизни меҳр билан ўрганишга эътиборини қандай қилиб кўрсатиш мумкин?

Бугунги кунда университетимизда таҳсил олаётган русийзабон талабаларга ўзбек тилини ўқитишда жонбозлик кўрсатиб келаётган доцентлар Беғам Қораева, Турсуной Юсупова, катта ўқитувчилардан Зилола Солишева, Фарход Йўлдошев сингари устозларнинг номини ҳурмат билан тилга олишни истардим. Улар тил қондаларини ўргатиш орқали миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни ёшлар онгига сингдириш, дунёқарашини ўстириш

борасида ҳам жонбозлик кўрсатиш мумкин. Русийзабон талабалар ҳозирда I курсда 40 соатлик дарс жараёнида ўзбек тилини ўрганишга эътиборини қандай қилиб кўрсатиш мумкин?

Бироқ соҳа ривожига халал бераётган айрим камчиликлар ҳам учрамоқдаки, улар хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Хусусан, русийзабон гуруҳларда ўзбек миллатига мансуб талабаларнинг кўпчилиги ўқув жараёнининг бир меъёрда бўлишига салбий таъсир кўрсатаётган бўлса, ўқув адабиётларининг ҳар хиллиги, тилшунослик атамаларининг турлича юритилиши талабаларга салбий таъсир қилмоқда.

Ҳозирги кунда деярли барча олий ўқув юртларида ўз соҳасига мослаб дарслик ва қўлланмаларнинг чоп этилиши, грамматик мавзуларнинг пала-партиш берилиши талабалар-

да илмга бир томонлама ёндашувни вужудга келтирмоқда. Бу эса русийзабон талабалардан ўзбек тилида фақатгина сўзлаша оладиган мутахассис тайёрлашга олиб келаётганлигини инкор эта олмаймиз. Мақсадимиз талабаларда нафақат сўзлашиш, балки истаган мавзуда эркин мушоҳада юритишни шакллантириб боришдир.

Талабалар онгига она тилимизнинг бой имкониятларини сингдиришга, тилимизнинг асрлар давомида асраб-авайланиб келаётган ички хусусиятларини етарлича ўргатиб боришга имкониятлар етарли. Шундай экан, нашр этилаётган дарслик ва қўлланмаларнинг сонига эмас, сифатига эътибор қаратилмоғи ҳамда тил маданиятини халқимиз онгига етказишни мақсад қилиб олиш ҳар бир мураббийнинг бурчи бўлиб қолиши зарур.

Зикирё ШАРИПОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси



Республикамизнинг «Давлат тили ҳақида» ва «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимизнинг барча фуқаролари биладиган, нафақат биладиган, ҳар қадамда, ҳар дамда роя қиладиган энг муҳим ҳужжатлар сирасига киради.

Қонун ва ижро

Дарҳақиқат, турмушнинг бирор соҳаси йўқки, жамиятимиз тараққиётининг асосларидан бири ҳисобланган мазкур қонунлар уларга дахлдор бўлмаса.

Ўтган йигирма йил ичида тилимиз тўлақонли давлат тилига айланди. Шу билан бир қаторда, айрим ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Қонун талабига кўра кўча-кўйдаги турли шиор, реклама ва эълонлар, кўча кўрсаткичлари, турли иншоот ва биноларнинг пештоқ ёзувлари, энг муҳими, юритилаётган барча турдаги ҳужжатлар давлат тилида, имло қоидаларига асосланиши лозим. Аммо баъзан бунга эътиборсиз қаралаётган ҳолатлар учраб турибди. Мисол учун дориҳона сўзи — дориҳона, кўча — куча, шаҳар — шаҳар каби. Ачинарлиси, ҳар, гавҳар сўзлари ҳар, говҳар (гов — сир, ҳарни билсангиз керак) шаклида жамоат жойларида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилганига нима дейсиз?

Шаҳарларимиздаги дўкон, ошхона, тўйхона, фирма ва бошқа шу каби аҳолига хизмат кўрсатадиган жойларнинг ҳанузгача ўзбекона номланмаётгани ҳам ажабланарли. Супер ориён, Рен ард, Санрух, Камелот, Национал, Оскар, Даниелс, Скарлет, Ломбард, Радуга, Фудзияма, Амемурм, Виктория, Бонадея, Бозьяка, Версал каби номланишлар қаердан келиб чиқмоқда? Ахир Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 22-моддасига биноан географик номлар, шаҳарлар, қишлоқлар, кўчалар, майдонлар, тарих ҳамда маданият ёдгорликлари, турар-жой массивлари, савдо расталари ва бошқа ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларнинг номлари фақат давлат тилида бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлса.

Айрим ҳужжатларда ФИШ қисқартмаси учрайди. ФИ — фамилия, исм экани тушунарли. Аммо Ш ҳарфи, яъни, шариф сўзи биз истаган отасининг исми маъносини бермайди-ку.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунига шарҳларда «Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларида (газета ва журналларда, радио ва телевидениеда), театрларда, кинотеатрларда, музейларда ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ҳамда доираларда давлат тили қатъий равишда амалдаги ўзбек адабий тилининг қоидалари ва нормалари бўйича ишлатилмоғи зарурдир» деб ўқтирилган. Бу борада республика, вилоятлар радио ва телевидениеларида, суратга олинаётган янги филмлару дубляж жараёнида адабий тилимизнинг меъёрларига амал қилиниши борасида ҳам кўп иш бажарилиши лозим.

Минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб, сайқал топиб, гўзал шеърят, илм-маърифат тили даражасига кўтарилган она тилимиз — ўзбек тилининг адабий тил, давлат тили сифатида раванк топиши учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмасак, юқорида айтиб ўтилган айрим нуқсонлар ўз-ўзидан барҳам топиши шубҳасиз.

Беҳзод АШУРМАТОВ,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси



Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ дейишди. Ҳар қандай жараён ва ҳолатни ифо-

Машаққат

да этиш қудратига эга сўزلарни бемалол айтиб кетаверамиз. Жамиятдаги ўрнимизни белгилашда, муаммоларни осонликча ҳал этишда асосий восита тил эканига кўп ҳам аҳамият беравермаймиз. Аслида эса тилнинг шу даражада такомиллашуви учун қанчадан-қанча аждодларимиз машаққат чеккан, асрлар давомида изланган...

Тил тарихига бир қур назар ташласак, бор кўлами билан намойиш бўлади. Ўзбек тили қадимий тиллардан бўлиб, VI-VII асрларга оид дастлабки ёзма ёдномалар (Ҳарун-Энасой ёзувлари)да акс этган. Араблар истило-си эса тилимизга араб тилининг таъсирини кучайтирди. Шунга қарамай ижодкор ва

фидойи халқимиз ўз луғати ва грамматик қурилишини сақлаб қолди. Араблардан кўплаб сўзлар ўзлаштирилиши билан бирга, ўз ички имкониятлари билан бойиб борди.

Юсуф Хос Ҳожиб бу борада фикрларини шундай баён этади: «Тил кишини бахтли қилади. Тил кишини хор-зор ҳам қилади. Тил туфайли одамнинг боши ҳам кетади. Икки нарса билан киши қаримайди: бири — эзгу хулқ, бири — яхши сўз». Аҳмад Ясавий, Рабғузий каби буюк мутафаккирларимиз ўзбек тилининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Лутфий, Атоий, Саккокий, Хоразмий каби шоирлар ўзига хос бадиий образ ва кечинмалари ифодаси билан адабий тилимиз хази-

насини бойитишди.

XV аср она тилимизнинг гуллаган даври бўлиб, бу албатта, Алишер Навоий ижоди билан бевосита боғлиқ. Унинг «Ҳамса», «Ҳазойин ул-маоний» асарлари турк тилини жаҳон миқёсига олиб чиққан бўлса, «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» каби илмий-танқидий асарлари тилимизнинг куч-қудратини ва нафислигини намойиш этди.

Чун топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сурдим мақол.
Турк назмида чу мен тортиб қалам,
Айладим ул мамлакатни яққалам, —
дея турк тилида ёзгани билан фахрланди. Навоий тилимизни «Шажара боғи» тимсолида ҳис этиб, халқини булбулга қиёслади; ана шу боққа гард тушмасин, бул-

Давлат тили мақоми берилган кун

Тилимиз ниҳоятда бой ва қадимийдир. Бирор атамани топишга, бир сўз билан аташга қийналаётган бўлсак, бу тилимизда ўша сўз ёки атаманинг йўқлигидан эмас, балки ўзимизнинг танбаллигимиздан деб билиш керак. Чунки қанча ноёб сўзларимиз истеъмолдан чиқиб бораётир. Дейлик, баҳорги ва кузги тенгқунлик бир сўз билан «эътидол» деб аталишини ҳаммамиз ҳам билмаймиз.

Сўзда сеҳр бор

Бу ҳақда академик Алибек Рустамов маҳсус мақола ҳам ёзган эди. Луғатлар, адабиётларни кўрганимда, ушбу сўзнинг халқ тилида ҳам, бадий асарларда ҳам қўлланганига гувоҳ бўлдим. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида Анварнинг бир ҳолати тасвирланар экан: «...унинг қалби эътидолдан чиқди» («мувозанатдан чиқди» маъносида), дейилади. Бу каби сўзларни ўзбек тилида истаганча топиш мумкин.

Тил миллат мақомини сақловчи биринчи белгилардан экан, уни авайлаш бурчимиз. Уни бекорга онамизга қиёсламаймиз. Қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, ҳар бир фарзанд ота-онаси шавнини ҳимоя қилади, қадр-қимматини сақлайди. Ўйлайманки, тилга бўлган муносабатда ҳам мана шу

нуқтаи назардан ёндашилсагина, раванқ топади. Дунёдаги тиллар қанча ривожланса, бир-бирини шунча бойитади.

Тилнинг бойлиги адиблар ижодидаги сўзларнинг бетакрорлиги билан ҳам ўлчанади. Бу борада энг кўп (26 мингдан зиёд), бебаҳо сўзларни қўллаган ҳазрат Навоий эканини кўпчилик яхши билади. Зеро, сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор, деган нақл бежиз айтилмаган. Сўзим сўнгида шу кунларда юз йиллиги кенг нишонланаётган Миртемирнинг ушбу сатрларини келтирмақчиман:


Боболардан бизга мерос эзгу тил,

Авлодларга хазинайи бебаҳо.

Қалбимизга, жонимизга кўзгу тил,

Бу дунёга бергай ҳали кўп даҳо.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎЗМУ доценти



Жозибали ва жарангдор

тилимизни ўрганган хорижликлар шундай эътироф этишади

Лю Чунся, ЎзДЖТУ магистранти (Хитой):

— Ўзбекларнинг очиққўнчилиги мени ўзига жалб этади. Ҳар гал йўлақларда кўришиб қолсак, таъзим қилиб, салом беришади. Бундан қувонаман. Чунки улар бизнинг маданиятимизга ҳам бефарқ эмас. Шунингдек, мен ҳам қўлимни кўксимга қўйиб уларга жавобан «Ассалому алайкум» дейман. Бундай меҳри дарё халқни бошқа ерда учратиш қийин.

Ўзбек тилини ўрганиш олдинига қийин кечди. Чунки бизга нотаниш товушларни талаффуз этиш мушкул бўлди. Ҳозир анча ўрганиб қолдик. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек тили гўзал сўзларга бой экан. Шеър, матнларни таржима қилганимизда, бу яққол кўзга ташланади. Бу ўқув йили сўнги сўз бўлганлиги учун она тилингизни янада чуқурроқ ўрганиб, давлатларимиз ўртасида кўприк вазифасини бажармоқчиман.

Канг Ганг Вон, ЎзДЖТУ толиби (Жанубий Корея):

— Тил ўрганишда биз учун бир неча вариант бор эди. Хусусан, турк, қозоқ, ўзбек тиллари. Биз ўзбек тилини танладик. Сабаби, ўзбекларнинг бой тарихи, урф-одатлари, тили биз

учун жуда қизиқ. Тил ўрганиш жараёнида Алишер Навоий, Бобур ҳақида чуқурроқ маълумотга эга бўлдик.

Даниел Лепетит (Германия):

— Мен 1981 йилда Германиянинг Тюринген шаҳрида таваллуд топганман. Лейпциг университетининг сиёсатшунослик факултетини тамомладим. Ўқиб мобайнида Осиё тилларидан фақат ўзбек тили ўргатилган. Албатта, бу мен учун ажойиб ва ҳайратланарли эди. Шу тилга меҳр қўйдим ва дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар орқали ўзбек тилини мукамал ўрганишни ният қилдим.

Тошкентга илк мартаба 2003 йили келдим ва Шарқшунослик институтининг халқаро муносабатлар факултетида тажриба алмашдим. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида немис тилидан дарс бераяпман. Тўғриси айтсам, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги қалбимни меҳрга тўлдирди.

Мен каби хориждан келган дўстларимга ўзбек тилини тез ва осон ўрганишда ёрдам берувчи ўқув қўлланма яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

тирди, услуб меъёрларини ишлаб чиқди.

Ушбу тадрижий босқичида тилшунос олимларимизнинг ўрни ниҳоятда катта. Уларнинг саъй-ҳаракати билан XIX асрда туркий тилида дастлабки ўқиш китоблари ва амалий грамматика (сарф-наҳф) қўлланмалари юзга келди. Бу ҳаракат XX асрда янада авж олди. Бу даврда 14 жилдлик қомусий, 2 жилдлик изоҳли, 5 жилдлик русча-ўзбекча ва ўнлаб атамалар луғатлари, шунингдек, 2 жилдлик академик грамматика, бир неча тилли луғатлар, диалектологик луғат ва тўпламлар нашр қилинди. Мактаб дарсликлари бир неча бор қайта нашр этилиб, орфоэпик ва орфографик луғатлар босиб чиқарилди. 2008 йилда нашр этилган 5 жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» сўзларни тўлақонли қамраб олишга қаратилган яна бир жиддий ҳаракат, катта воқеа бўлди.

А. АБДУЛЛАЕВ

Халқ ижодиёти — бебаҳо хазина. Халқимиз орасида кенг қўлланиладиган иборалар эса мана шу хазинанинг жавоҳирларидир. Иборалар тилнинг чиройли, образли бўлишида, таъсирчанликнинг ошишида катта хизмат қилади. Улардан айримларини сизга илиндик.

Теша тегмаган иборалар

Бозор яқин — бойимас. Бозори яқиннинг майда ҳаражати кўп бўлади. Ҳа деганда, бозорга тушаверади. Харидни майда-майда, бот-бот қилиш, тежамкорликка зид, аслида бозорни дўржи: қони-қанори, араваси, тойи, суруви билан қилинса, кўп бора арзон тушади. Шунинг учун ота-боболар «бозор яқин бойимас», деган ҳикматомуз иборани бизга мерос қолдириб кетишган. Мақолнинг шахсини аниқлашни унутманг: агар «бозор яқин бойимас» десак, мантқан бошқа гап қиламиз. Ишбилармон, уддабурро, хунарманд одамнинг бозори яқин бўлса, аксинча, у тезда бойиб кетади.

Оғзига чўп ўлчатиб олган. Бировнинг гапи билан иш кўрадиган, ўз мустақил фикри бўлмаган, иродасиз одамга нисбатан ишлатилади. Гўёки бу одам хотини, онаси, бошлиғига ўз ихтиёрини шунчалик топшириб, тобе бўлиб қолганки, ҳатто иккинчи шахс унинг оғзига чўп ўлчаб олиб, оғзини шу ўлчовдан катта очмайсан, яъни менинг гапимдан, чизган чизгимдан чиқмайсан, деб кўрқитиб қўйган. Оғзига чўп ўлчатиш, инсон учун тўтига ўхшаб бировнинг гапини такрорлаб қолишдан иборатдир. Фақат салбий оҳангда қўлланилади.

Тили ғализ. Бу ибора шахсга нисбатан эмас, бадий, илмий адабиёт, кино, теле, радио асарларга нисбатан фаол қўлланилади. Тили ғализ деганда асар тил нуқтаи назардан меъёрига етмаган, маҳорат даражасига кўтарилмаган, санъат юксак талабларига жавоб беролмайдиган деган маънолардаги хулоса келиб чиқади. Муқобили: «тили тўмтоқ».

Елкаси йўқ. Инсонга нисбатан қўлланади. Одамнинг кенг бўлсин, тор бўлсин, елкаси бўлмаслиги мумкин эмас. Ўзбек, елкаси йўқ, деганда, нозиктаъблик билан ялтоқи, хушомадгўй, ўз манфаати йўлида, бошлиққа учраса, патаги-пайтава бўладиган, шилқим одамни кўзда тутати. Бу билан елкаси йўқ, ичинга илондай кириб кетадиган, кесатик, нафрат ифодаси берилади. Елкаси йўқларнинг миллати, ватани, қавми қариндоши бўлмайди. Улар учун шахсий манфаатдан муқаддас куч йўқ.

Юраги ачишади. Ўз маъносида юрак ачишади, оғрийди, ҳаприқади, санчади ва ҳоказо. Кўчма мазмун касб этганда, юракнинг ачиши бировнинг бировга, бирор жон-жониворга, нарса-буюмга ҳамдардлик, хайрихоҳлик қилиши, унинг учун куюниши англашилади. Халқда, бегона бўлсанг, дардим йўқ эди, лекин ўзимникисан, жигаримсан, юрагим ачишганидан гапирман, деган гап бор. Нафақат одам, вафодор итингиз беоқибат қўшнингиз қўли билан игна ютиб ўлиб қолса, яхши кўрган дарахт ё гул кўчатингиз бевақт сўлиб қолса, дўстингизнинг юрак бағри ғам-андухга тўлиб қолса, юрагингиз ачишади, жонингиз оғрийди. Муқобили: «юраги ачиди», «юрагига олди», «юраги кўтаролмади», «юраги оғриди» ва бошқалар.

Маҳмуд Сатторнинг
«Ўзбекнинг гапи қизиқ» китобидан олинди.

Маҳсули

булларининг овози ҳаммиша янгроқ ва баланд бўлсин дейди. Шунингдек, Навоий форс ва араб тилларини ҳам хурмат қилади, улардан усталик билан фойдаланди. Дунёда ёмон ва яхши тиллар бўлмайди — ҳаммаси ўз миллати учун азиз ва улғудир, дея эътироф этади.

Кейинчалик саноат ва савдонинг ривожланиши натижасида, Осиё халқлари орасидаги маданий алоқалар сабаб ўзбек тили бойиб борди. Айниқса, ўтган асрнинг 20-йилларидан маориф соҳасида, нашриётлар ишида, маданият ва адабиётда ўзгаришлар рўй берди. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғофур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби тилимиз кўркига

кўрк қўшган истеъдодлар кириб келди. Бу жараёнда луғат таркиби бойиди, грамматик қурилиши силлиқлашиб борди. Янги ифодалар пайдо бўлди. Шу билан бирга, турғунлик излари ҳам тилимизда акс этди. Кўпгина ўзбек сўзлари асосиз сиқиб чиқарилди, атамалар бўлар-бўлмасга рус-байналмилал атамалар билан алмаштирилди. Бу эса тилимизнинг қадр-қимматига салбий таъсир этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, тилшунослигимизнинг ривожланиш тарихида эришган улкан ютуқларидан бири — фан тарзида ўзининг фонетикасини, морфологиясини, тил қурилиши тизимини (синтаксис), ёзув (имло) қоидаларини мукамаллаш-

Сўраган экансиз

Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани 109-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилбар Маматқулова тахририя-тимизга мурожаат қилган эди. Мазкур саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаровдан жавоб олдик.



Савол: Қишлоғимиз кичкина, болалар сони камлиги учун бор-йўғи 4 та бошланғич синф бор. 2010-2011 ўқув йилида туман молия бўлими иқтисодчиси томонидан синфлардаги дарс соатларидан 34 соат қисқартирилиб, 1-синф 3-синфга, 2-синф 4-синфга қўшиб юборилди. Мутасаддиларнинг фикрича, қолдирилган иккита синф «комплект синф» деб аталар экан. Шундай бўлиши мумкинми?

Жавоб: Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 10 апрелдаги ««Кам комплектли умумий ўрта таълим мактаби ёки синфларни ташкил этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига биноан «Кам комплектли мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва уни ташкил этиш» талабларига кўра кам комплектли мактабларда бошланғич 2 ёки 3 та синф ўқувчилари бирлаштирилган ҳолда ўқитилади. Шароитдан келиб чиқиб, синфларни бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундай синфда ўқувчилар сони 10-15 тагача бўлиши мумкин ва унда битта ўқитувчи дарс беради.

Савол: Мутахассис йўқлиги учун кимё, тарих, она тили ва адабиёти дарслари коллежни битирган ўқитувчиларга берилиши мумкинми?

Жавоб: Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичига асосан, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари)да умумтаълим мактабларида фанлар бўйича дарс бериш ҳуқуқига эга бўлган ўқитувчилар тайёрланмайди. Мазкур Таснифлагичга биноан ушбу ўқув муассасаларида қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

1. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа раҳбари.
2. Умумтаълим мактаблари мусиқа раҳбари.
3. Мактабдан ташқари муассасаларда мусиқа раҳбари.
4. Оммавий байрамлар ташкилотчиси.
5. Қуни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи.
6. Ёшлар етакчиси.

7. Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат ва тасвирий фаолият раҳбари.

8. Синфдан ва мактабдан ташқари тўгараклар раҳбари (йўналишлар бўйича).

9. Тарбиячи.

10. Мактабдан ташқари маданий муассасалар ташкилотчиси.

11. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия йўриқчиси.

12. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар спорт мажмуаларида спорт турлари бўйича йўриқчи.

13. Спорт ўйинлари бўйича мураббий.

14. Спорт ҳаками.

15. Мактабгача таълим муассасаларида ва оилада тарбиячи.

16. Махсус мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи.

17. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи-услубчи

Савол: Ўғлим Урганч шаҳридаги «Чесон» кичик корхонасида (ҳозирда тугатилган) ишлаб юрган вақтида йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 1-гурӯх ногирони бўлиб қолган. Ўғлимни махсус транспорт билан таъминлашни сўраб вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қилган мурожаат ва уни ундириб бериш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига киритган даъво аризамиз натижа бермади. Суд сарфламаган маблағни талаб қилаётганимиз туфайли даъвомизни рад қилганлиги боис, «Дамас» русумли автомобил сотиб олдик. Энди бу маблағни кимдан ундиришимиз мумкин?

Ў.БОБОЖОНОВ,
Урганч шаҳри

Жавоб: «Чесон» кичик корхонасининг ҳуқуқий вояси йўқлиги учун даъвогарнинг даъвоси 1-инстанция суди томонидан рад қилинган ва бу тўғридаги суднинг ҳал қилув қарори юқори турувчи судлар томонидан ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори билан тасдиқланган «Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хазматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-бандига асосан «Матиз» ёки «Дамас» русумли автомобиллар сотиб олганлиги учун ногиронларга компенсация тўлаш кўзда тутилмаган.

Ҳуқуқшунос Д.МАДИЕВ жавоб берди



Жиноят одатга айланса...

Ўрнини топмаган — яхшилик топмас.

Мақол

Жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятлардан бири безорилиқдир. Жамоат тартиби нима? Бу ҳуқуқ ва ахлоқий меъёрларга асосланган, фуқароларнинг осойишта ҳаётини таъминлашга қаратилган муносабатдир. Унга риоя қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини кафолатлайди. Акс ҳолда...

Бозорбой бугун ҳам чорраҳадаги «Ҳалол» ошхонасида улфатлари билан бир неча шишани бўшатди. Шер бўлиб кетди. Ёнидан овчилар пичоғини олиб, стол устига «тақ» этказиб қўйди.

У чарм плашининг олдини очиб, кобурага тиқилган қуролини ҳам намоиш қилиб қўйди. Сунг Ражабга ўшқирди:

— Сан намунча катта кетасан?

— Ман нима қилдим?

— Нима қилдим эмиш...

Ражабнинг ёқасидан тортиб, столга босди.

— Мана санга!

Ўнг қўли билан столнинг устидаги пичоқни олиб, Ражабнинг елкасига санчди. Қон Ражабнинг кийимидан сизиб столга, ундан ерга тома бошлади. Нима қилиб қўйганини англагач, жуфтани ростлаб қолди.


«Тез ёрдам» чақиришди. Вақтида кўрсатилган тиббий муолажа боис ўлим чекинди.

Бу ёғини Жиноят кодекси тили билан айта қолайлик. Ҳукмда шундай дейилади: «Бозорбой спиртли ичим-

лик истеъмол қилиб, маст ҳолатда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан... беҳаёлик билан... жамоат жойида... ҳақорат қилиб, безорилик оқибатида...». Нафас етмайди. Ҳечқиси йўқ. Канцелярия иши шунақа. Суд-тиббий экспертизаси хулосаси: «Ражабнинг тан жароҳатлари — кўкрак қафасининг орқа юзаси ўнг томони юқори қисмида... санчилик кесилган яра кўринишидаги тан жароҳати аниқланган бўлиб, бу... оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган энгил шикастлар гуруҳига киради».

ИИБ эксперт криминалистика бўлими баллистик экспертизасининг хулосаси: «Бозорбойнинг ёнидан олинган тўппонча Тула ... заводида ишлаб чиқарилган ... «Марголен» русумли тўппончаси бўлиб, ушбу... ўқотар қуроллар туркумига киради, техник жиҳатдан соз ва отиш учун яроқли бўлиб, ... мили қирқиб ташланганлиги сабабли ўзгартирилган қурол ҳисобланади. ... патронлар заводда ишлаб чиқарилган бўлиб, отиш учун яроқли.»

Бозорбой илгари икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган жазо тайинланганидан хулоса чиқармасдан яна оғир жиноят содир этганлиги сабабли суд ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми «б» банди талабига асосан уни ўта хафли рецидивист деб топди.



У Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «а» банди ва 248-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди, узок йилга озодликдан маҳрум этилди. ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми «б» бандида «ўқотар қуролини намоиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб» жиноятни содир этиш кўрсатилган. Назаримизда, намоишкороналик ушбу жиноятнинг яна бир унсуридир.


Ўқотар қуролни олиб юриш нима эканлигини айримлар билиб қўйгани яхши. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, айбдор қуролни ўзи билан ёки бирор нарсанинг ичида (чемодан, қутида, портфелда, халтада, автомашина салони ёки юкхонасида) яшириб ёки яширмай олиб юрганми, аҳамиятга эга эмас, муҳими, унинг ҳар қандай вазиятда айбдорнинг қўли остида бўлганлигидир. Бу эслатма, холос.

Ҳар қалай, бир безори жиловланди. Унинг атрофидагилар эркин нафас ола бошлади.

Довуд МАДИЕВ

Уйимнинг бир қисмини куёвимга ўтказиб бермоқчиман. Бундай битимнинг тузилиши, у билан боғлиқ ҳужжатлар ҳақида тушунча берсангиз.

Одил ВАҚҚОСОВ,
Тошкент шаҳри



Бундай ҳужжатлар қаторига олди-сотди, айир-бошлаш, ҳада тўғрисидаги шартномалар, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи далолатнома, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги,

эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқини тўғрисида берилган гувоҳнома киради. Бундан ташқари, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи суднинг ҳужжати, уйнинг бўлинганлиги тўғрисидаги битим, ҳокимиятнинг мулк ҳуқуқини тан олганлиги тўғрисидаги қарори, мол-мулкни унинг муассислари ўртасида тақсимлаш бўйича келишуви, очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалардир.

Шунингдек, юқорида санаб ўтилган мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши лозим: мажбурий бадаллар, коммунал хизматлар учун тўланадиган бадаллар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотлар, бинонинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумотномаси, солиқлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ва қурилиш бошқармасининг уйнинг бузилиши ёки бузилмаслиги тўғрисидаги ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан берилган маълумотномаларидир.

Шуни унутмаслик керакки, агар уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми тарафлар мажбуриятларини кейинчалик, яъни битимда кўрсатилган маълум муддатда амалга ошириш шarti билан бошқа шахсга ўтказилганда, нотариус томонидан тарафлар ўртасидаги тўлов ва бошқа мажбуриятлар амалга оширилгунга қадар битимга кўрсатилган муддатга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга таъқиқ қўйилади.

Матлуба ИСМОИЛОВА,
Фарғона шаҳар 4-нотариал идораси нотариуси

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — таракқиётимиз таянчи» танловига

Навоий Давлат педагогика институтида истеъдодли ва иқтидорли талаба-ёшларни излаш ва танлаб олиш, уларнинг илмий ҳамда ижодий фаолиятини ташкил этиш борасида ибратли натижаларга эришилаётир. «Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими» уларга бу йўлда илмий муҳит ва шарт-шароит яратиб бериш юзасидан катта амалий ишларни йўлга қўйган. Мунтазам ўтказиб борилаётган конференция, фан олимпиадалари, танлов ва бошқа илмий анжуманларда янги-янги иқтидор эгалари кашф қилинаётир. Бугун улардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

раҳбари Қўйсин Тўхтаев раҳбарлигида Элвира мактаб ўқувчилари учун иккита услубий қўлланма яратишга муваффақ бўлди. Инглиз тилида бурро гаплашиши, фикрларини раво баён этиши тенгдошларида ҳавас уйғотаётир. Ил-

ланишларини самовий билимларни ўрганишга қаратган. Бу борада ҳам отаси, ҳам устози — олийгоҳ кимё кафедраси доценти Ихтиёр Камоловнинг меҳнати бисёр. Илмий ва илмий-услубий ишларни эълон қилиш олдидан кўпгина ўқув

ДУНЁ ТИНГЛАГАН НАВО

Нодира Нарзуллаева болалигидан мусиқага меҳр қўйди. Ўрта мактабда таҳсил олиш баробарида Навоий шаҳридаги Глиенко номидаги мусиқа мактабининг фортепьяно синфини имтиёзли тугатди. Олийгоҳнинг педагогика факултети мусиқий таълим йўналиши бўйича ўқишга киргач, изланувчан қиз учун имкониятлар эшиги кенг очилди. Намунали хулқи, аъло ўқиши, илмий изланишлари билан кўпчилик назарига тушди. Нодиранинг тенгдошлари ва бўлажак касбдошларига айтадиган фикрлари бисёр. Шунинг учун ҳам республика «Ёш куч», «Халқ таълими», «Бошлангич таълим», «Маърифат» сингари кўпгина журнал ва газеталари орқали чиқишлар қилиб туради.

Дарвоқе, иккинчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Одобнома» дарслиги (2-нашри)да унинг меҳр-оқибат ва дўстлик ҳақидаги ҳикоясига ўрин берилган.

Изланувчан талаба илмий раҳбари Шаҳноза Абдуллаева кўмагидан миннатдор. У иккинчи босқичдан бери «Касбхунар коллежи ўқувчиларида ватанпарварликни шакллантириш» мавзусида илмий иш олиб бораётир.

«Фарҳод» маданият саройи қошидаги «Тарона» халқ миллий чолғу ансамблида ҳам фаолият юритиб келмоқда. Унинг сирли бармоқларида дутор ниҳоятда нафис ва нолавор

Изланувчанлик йўлидан

жаранглайди.

Бу йил қахрамонимиз учун қўшалоқ қувонч билан келди. Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусиқа танловида энг юқори ўрин «Тарона» халқ миллий чолғу ансамблига насиб этди. Нодиранинг сеҳрли куйи 15 та мамлакат вакиллари томонидан эътироф этилди.

Иккинчи ютуғи ўқув жараёнидаги изланишлари билан боғлиқ. Изланувчан қиз Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

ҚАДАМИДАН ЧАҚИН ЧАҚНАБ...

Бугунги ёшлар руҳидаги интилувчанликни кўрар эканмиз, келажгимиз ҳеч шубҳасиз, собитқадам авлод қўлида бўлишига ишончимиз ортади. Шундайлардан бири институтнинг хорижий тиллар факултети инглиз тили ва адабиёти йўналиши 4-босқичида таҳсил олаётган Элвира Турсунназаровадир. У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг факултет бўйича етакчиси ҳамдир. Факултетлар аро етакчилар беллашувида илғорликни қўлдан бермаган

қадами чақин қиз Фонд форум томонидан ташкил этилган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Қашқадарё вилояти «Лочин» оромгоҳида ўтказилган нуфузли тадбирда иштирок этишга муваффақ бўлди. Журналистика йўналиши бўйича ўз иқтидорини намоён этиб, «Энг яхши хабар» номинацияси бўйича республика ёшлари ўртасида 3-ўрин совриндорига айланди.

Элвиранинг ижод маҳсуллари мунтазам вилоят ва республика нашрларида чоп этилмоқда. «Дил тугёни» номли илк китоби босмадан чиқиш арафасида. Бу йил унинг изланишлари муносиб баҳоланиб, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиясига муносиб топилди.

— Ташкилотчилик ва иқтидор Элвиранинг қонида бор, — дейди институтнинг маънавий маърифий ишлар бўлими бошлиғи Рустамжон Ғойипов. — Онаси Клара Турсунназарова бутун фаолиятини ёш авлод тарбиясига бахшида қилган аёл эмасми, қизининг ўқишдаги натижалари билан мунтазам қизиқиб боради. Илмий

мий ишида «Инглиз тилида ибораларнинг ишлатилиши»-дек нозик мавзу танланиши ҳам бежизга эмас.

Элвира билан суҳбатлашаётиб, унинг кўпгина қизиқишлари ҳақида билиб олдик. У «Тошкент юлдузи» хусусий фирмаси хузуридаги «Машҳура Ленд» ўқув маркази филиалида «Уй ҳамшираси», «Элита усулида парда тикиш» курсларини ҳам битиришга улгурибди.

КАМОЛОВАНИНГ КАМОЛИ

Талаба ва ўқитувчилар орасида ишонч қозонганлардан яна бири физика-астрономия йўналиши 2-босқич талабаси Дилнавоз Камоловадир. У рус ва инглиз тилларида раво сўзлашади. Замонавий технологиялардан фойдаланишда етарли тажрибага эга. Жорий йилда Мирзо Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндорига айланди.

Само саҳнида юзлаб, минглаб юлдузлар ёғду сочмасин, улардаги шашт ва жилвани инсон идроксиз англаб етолмайди. Буни эрта англаган Дилнавоз бутун иқтидору из-

қўлланмалари, соҳага оид адабиётлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Дилнавознинг 30 га яқин ана шундай ишлари аллақачон ўз мухлисларини топган. Талабанинг «Оммабоп астрономия» («Лидер-Пресс» нашриёти Тошкент — 2009), «Қуёш ва унинг табиий йўлдошлари» (Бухоро — 2009), «Астрономиядан кроссвордлар» (НДПИ кичик босмаханаси, Навоий — 2010), «Қуёш системасининг майда жисмлари» (Юрист-медиа маркази нашриёти) сингари ҳамкорлик асосида чоп этилган рисоалари китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинмоқда. У проффессор М.Мамадазимов раҳбарлигида «Астрономия фанини ўқитишда Улуғбек ва унинг астрономия мактабининг тутган ўрни» мавзусида илмий изланишлар олиб бораётир.

Ўтган ўқув йилида «Йилнинг энг қобилиятли талабаси» дея топилган Дилнавоз Камолованинг орзулари ҳали бир олам. Магистратура тугаллаб, аспирантурада фазовий изланишларини давом эттирмоқчи.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири

«Дунёни оқибат қутқаради...»



Нигора МУХАМЕДОВА

Мусоҳаба

— Қабулимга юзи ваҳшийларча тимдаланган аёл кириб келди. Айтишича, қайнонаси шу аҳволга солибди. Бир неча ҳафтадан сўнг муолажам таъсир қила бошлади. Бироқ унинг юрагидаги жароҳатни тузатишга бу вақт етарли эмасди. Ўшанда ўзим учун бир ҳақиқатни кашф қилдим: аёл қачон гўзал бўлиши мумкин — кўнгли тинч бўлганда, оиласида хотиржамлик ҳукм сурганда. Шунинг учун ҳам ҳар бир мижозим билан муаммолари ҳақида соатлаб гаплашишдан эринмайман. Дардини аритишга кетган вақтимдан заррача афсус чекмайман, — дейди косметолог ва руҳшунос Нигора Мухамедова «Оқибат йўқолмасин» номли китоби тақдимотида.

ётганидан дарак бериб турарди.

— Бугун кўпчилик бизнесга ёхуд мукофот олиш воситасига айлантириб улгурди. Сизда бундай мақсаднинг пайдо бўлиши эса...

— Мен анча улғайиб, ақлим тўлишганда, фарзандларим оёққа туриб олишгач, ёза бошладим. Бу деганим ёшлиқнинг ҳою-ҳаваси билан ё ўзимни кўрсатиш учун ёзадиган ёшдан ўтдим.

Соҳам бўйича аёлларимизнинг саводи, маданияти, ёндашувидаги кўплаб ўқувсизлик, пала-партишлик, дори-ғиёҳларни ишлатиш одоби, маданияти ва яна кўплаб масалаларда йўл қўйилаёт-

ган хатолар аста-секин уларнинг юзи, терисини бузиши, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш, ёрдам бериш зарурати қўлимга қалам тутқазганди.

Соҳам ва мижозим — аёл дунёси. Руҳшунослигим боисми, мижозларимнинг ишини шунчаки битириб, пулини олиб жўнатиб юбориш қўлимдан келмайди. Улар билан соатлаб гаплашиб қоламиз. Мижоз халқи, айниқса, аёл киши қизиқ, ўзига хос фель-атворли. Бир умр ота-онаси, яқинлари, ҳатто эрига айтмаган сири, дарди, орзу-ҳавасини негадир бирпасда дастурхондай ёзиб қўя қолади. Ҳам касбим, ҳам озми-кўпми тажрибам, ҳам аёллигим туфайли уларга маслаҳатлар берардим.

Кейин-кейин бу жараён газета-журналларда, FM радиоларида давом этди. Узоқ йиллик кадрдон, керак бўлса мени бир ижодкор сифатида кашф этган «Санам» журналидан миннатдорман. «Наврўз», «Ориат-Дано» радио канали билан кўпдан бери ҳамкорлик қиламан.

«Сабр саҳроси» номли аввалги китобим ҳам шундай жараён, мана шу ўй, изтироб, изланишлар меваси бўлди. Иккинчи китобни ёзишимга мижозларим ташлаб кетган пул эмас, улар ташлаб кетган меҳр, шу китобдан ўзига олмоқчи бўлган умид, яхшилик сари интилиш

ҳаракати, эзгулик илнжи, савоб ишларга чоғланиш туртки, қаламимга далда, руҳимга мадор бўлди.

— Халқимиз оқибат отлиғ тушунчага азал-азалдан жиддий ёндашган. Унинг қадриятларимиз сафидан чуқур жой эгаллагани ҳам шунда. Китобингизда эса мазкур тушунчанинг турли жиҳатларига эътибор қаратгансиз, шарҳлагансиз... «Дунёни оқибат қутқаради» деб номлагансиз боблардан бирини. Сизнингча, оқибат нима?

— Ҳаётдан олган таълимим, жайдари фалсафамга кўра оқибат — бу яхшиликнинг, эзгуликнинг, меҳрнинг қайтиши, мурувватнинг қайтиши.

Ҳеч эътибор қилганмисиз, «оқибат» сўзининг муқобилини ўзга тилларда учратиш душвор. Унинг буюклиги, ноёблиги, нодирлиги ҳам шундадир. Чунки у соф ўзбеккона қадриятнинг ифодаси, ўзбекчилигимизнинг ўзига хослиги, отабобларимиздан мерос улғу инсоний фазилат, тарбия, одоб-ахлоқ намунаси, туриш-турмушимизнинг тарозисидир. Менинг бу тушунча ҳақидаги тугал хулосам шундай: дунёни оқибат қутқаради. Айни шу туйғу мавжудлиги, одамларнинг кўнглида, ўйида ҳукмронлиги учун дунё шунча жабру ситамлар, разилликларга чидаб келаётгандир. Бизнинг халқимизда эса бу туйғу қўндалик ҳамроҳга, ҳар бир ишнинг мезонига айланган. Тотувлигимиз, фаровонлигимиз сири аслида ҳам оқибат билан боғлиқ.

Дилдора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди

Тақдимот ўтказилган Миллий матбуот марказининг анжуманлар зали ОАВ вакиллари, муаллифининг мухлислари билан тўлди. Билдирилган илиқ фикрлар, мухлисларнинг самимий изҳорлари Нигора Мухамедова айтмоқчи бўлаётган СЎЗ қанча-қанча қалбнинг дарди эканлигидан, озурда дилларга малҳам бўла-

Душанба

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00, 10.50, 15.00, 23.20 «Иклим».

Сешанба

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00, 12.55, 17.55, 22.35 «Иклим».

Душанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Карвонсарой».

Сешанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Карвонсарой».

11.50 «Ахборот», /инглиз/. 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 13.00 Миллий сериал: «Умр манзаралари».

Чоршанба

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00, 12.50, 15.00, 22.40 «Иклим».

16.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

Чоршанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Карвонсарой».

O'zbekiston

18.10 Миллий сериал: «Ҳаёт синовлари». 18.45 2010 йил - Баркамол авлод йили.

Пайшанба

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00, 15.00, 18.05, 22.35 «Иклим».

TOSHKENT

03.00 Иклим. 03.05 «Уйларим». 03.10 Тунги киносеанс: «Сильвия».

Пайшанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Карвонсарой».

Жума

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари.

21.40 «Оқ халатдаги «қора доғ»лар». 21.55 «Қирол ва мен». Т/с.

Жума

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00, 12.55, 15.00, 17.10, 18.00, 22.40 «Иклим».

09.15 «Интервью». 09.25 «Уйларим». 09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 05.00, 07.05 «Пойтахт».

16.10 «Менинг шахрим». 16.30 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти.

Шанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари.

09.00 Мульттўғлам. 09.35 «Олтин бешик». 09.50 «Ифтихор».

Якшанба

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00, 10.05, 16.00, 18.40 «Иклим».

16.10 «Дилдаги гаплар». 16.40 «Мулоҳаза учун мавзу».

17.05 «Санъатимиз ҳазинасидан». 17.25 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».

Якшанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари.

Душанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Хикоя».
06.50 «Мультипанорама».
08.00 «Ёшлик навалари».
08.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».

Сешанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Хикоя».
07.00 «Мультипанорама».
08.00 «Ёшлик навалари».

Душанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 19.00, 21.45 Хабарлар.
7.05 «Тренируемся вместе».

Сешанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
6.50 «Баркамол авлод».

Душанба

07.00, 09.00, 11.05, 13.50, 17.10, 18.00, 19.30, 02.15
Ўзбек навалари
08.10, 14.40, 18.40 Сериал «Мухаббат асираси»

Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30, 13.30, 17.10, 18.10, 19.30, 02.15
Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)

11.30 «Келажак эгалари».
11.50 «Ёшлик навалари».
12.10, 19.30 «Кумуш». Т/с.
13.10 «Мультипанорама».

Чоршанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Хикоя».
06.50 «Мультипанорама».
08.00 «Ёшлик навалари».

12.55 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Оман - Сурия. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.

18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия».
Мультифильм.
18.30 «Олимп сари».

Чоршанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 19.00, 21.45 Хабарлар.

12.30 Болалар майдончаси: «Спортландия».
Мультифильм.
12.55 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Қувайт - Ироқ. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.

19.15 «Мураббий».
19.30 «Иқтидор».
20.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Олмалик» - «Нефчи».

17.30 «Премьера»
18.00 Prime time (рус)
22.00 «ГНЕВ» худ.фильм

07.00, 09.00, 10.30, 17.10, 18.00, 19.30, 02.15
Ўзбек навалари
08.10, 14.40, 18.40 Сериал «Мухаббат асираси»

Чоршанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30, 13.10, 18.10, 19.00, 20.30, 02.15
Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)

YOSHLAR

20.20 «Ёшлик навалари».
20.40 «Бугун».
22.30 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».

Пайшанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Хикоя».
07.00 «Мультипанорама».
08.00 «Ёшлик навалари».

SPORT

нам - Австралия.
23.45 Пайшанба дастури анонси.
23.55 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.

Пайшанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 19.00, 21.45 Хабарлар.

12.30 Болалар майдончаси: «Спортландия».
Мультифильм.
12.55 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Ўзбекистон - Тожикистон. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.

19.20 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги.
19.30 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
20.45 Саломатлик хазинаси.

Жума

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 19.00, 21.45 Хабарлар.

TV-MARKAZ

08.10, 14.40, 18.40 Сериал «Мухаббат асираси»
09.40, 21.10 Сериал «Брюс Ли ҳақида афсона»

Жума

07.00, 09.00, 10.30, 13.10, 17.10, 18.00, 19.30, 02.15
Ўзбек навалари
08.10, 14.40, 18.40 Сериал «Мухаббат асираси»

02.30 «Самурайнинг сўнги қиличи». Б/ф.
04.50 «Илҳом қанотлари».
05.55-06.00 «Мадҳия».

Жума

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Хикоя».
07.00 «Мультипанорама».
08.00 «Ёшлик навалари».

Шанба

06.00 «Тонги парвоз».
06.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

7.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика.
«Спортландия».
Мультифильм.

12.30 Болалар майдончаси: «Спортландия».
Мультифильм.
12.55 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Япония - Австралия. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.

19.20 «Шижоат».
19.35 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
20.50 Саломатлик хазинаси.
20.55 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.

Шанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.30, 21.00 Хабарлар.

13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия».

09.40, 21.40 Сериал «Брюс Ли ҳақида афсона»
11.30 «Калбаки дунё» бадий фильм
14.20 Prime time (рус)

Шанба

07.00, 07.40, 10.30, 14.30, 17.00, 18.10, 19.35, 02.15
Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)

11.30 «Келажак эгалари».
11.50 «Ёшлик навалари».
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.
13.10 «Ўзбегим ёшлари».

Якшанба

06.00 «Табассум қил!»
06.30 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлар нуноштаси».

Мультифильм.
13.35 Спорт экрани: «Биринчи рақамли ўйинчи».

15.25 «Санъат ва спорт».
15.45 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Хитой - Қувайт.
17.25 «Спортимиз маликалари».

Якшанба


6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Спортимиз маликалари».
6.30, 8.30, 18.00, 21.30 Хабарлар.

17.30 «Спортчилар оиласи».
18.25 Футбол. Голландия чемпионати. «Аз Алмаар» - «Фейеноорд». Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.

худ.фильм
00.10 - 01.30 «Другая музыка»
01.30 Сериал «ЛЕГЕНДА ОБ ИСКАТЕЛЕ»

Якшанба

07.00, 13.40, 20.10, 18.10, 21.00, 02.15
Ўзбек навалари
09.00 Мультифильм
10.30 «Baby Terra Landiya»



МЕН БАРИБИР УЧАМАН!

Бу мақола мени роппа-роса уч ой овора қилди. Мавзу тайёр, маълумот бор, китоб кўп, «ўргимчак тўри» ҳам ҳар сонияда янги-янги ахборот тарқатиб турибди. Лекин бир сатр ҳам ёзолмайман. Хув ўша, «Абдуллажон»даги Раис бувадан иқтибос келтирсак, роса уч ой «кетмоним учмади». Компютер олдида ўтираман-ўтираман, қани энди жўялироқ фикр келса! Ахийри, дам олиш куни бир даста оқ қоғозу қаламни ғамладим-да, хонамга қамалиб олдим: ота-бувам компютерда ёзмаган, қўлда ёзаман! Балки ишонмасиз, аммо қўлимга қалам тутганимдан кейин миямда фикрлар ғужгон ўйнаб кетдики, қай бирини қоғозга туширсам экан, деган ўйда қолдим. Демак, қўлда ёзишда ҳам бир ҳикмат бор экан-да. Тўғри, компютерда ҳам оёқ билан эмас, қўл билан ёзасан. Бироқ қўл қаламни узок вақт ушлайди, унга тафти юқади. Қалбингни, ўзингни англайди. Англаш рўй берган жойда муваффақият бўлиши турган гап. Компютерда ҳарф тераётганимда эса, қўлинг клавиатурадан тез-тез узилади, шунингдек, алоқа ҳам. Тафт, англаш ҳам узилиб-узилиб туради.

Бу матоҳ «исиб» кетса, бир йўла тутаб, «запчаст» бўлади-қолади... Демак, техноламга саёҳатни бошлаймиз. Йўлингиз равон бўлсин!

I'm (not) a robot =

ТЕХНОКРАТИЯ

Авалло, бу сўзнинг луғавий маъносини кўриб чиқсак. Бу сўз ҳам кўпчилик атамалар каби юнон тилига оид. «Technetos» — «сунъий, табиий бўлмаган», «kratos» — «ҳокимият». Умумлашма маъно эса — «сунъийлар ҳокимияти», янаям аниғи — «технология ҳокимияти».

Хўш, бундан қандай маъно келиб чиқади? Одамзотнинг ўз-ўзини роботлар ҳокимиятига кўнктириб боришимиз? Ёки бир тўда «замонавийчи»нинг навбатдаги олифталлиги? Ёки...

«Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йил, апрел сонидида америкалик олим, ижтимоиятчи ва футуролог (инглизча «future» — «келажак» ва юнонча «logos» — «фан» демакдир. Қисқа қилиб айтганда, «келажакни ўрганувчи фан») Олвин Тоффлернинг «Футурошок» номли китобидан олинган «Келажак билан тўқнашув» мақоласи эълон қилинган. Унда келажак ҳақида жуда кўп фикрлар илгари сурилган ҳамда бизнинг замонга гоёта билгичлик билан ташхис қўйилган. Эътибор қилинг, китоб 1970 йилда нашр этилган! Роппароса 40 йил аввал билдирилган фикрларни ўқиган одам ҳайратда қолади. Жумладан, унинг иқтисодий ўсиш суръати ҳақидаги фикри диққатга сазовор: «Супериндустриализм сари катта тезлик билан кетиб бораётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида ҳам суръатнинг тезлашгани очиқ-ойдин кўриниб туради. Бу мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳар йилги ўсиши ҳақиқатан ҳам жуда катта. Ҳолбуки, улар анчагина катта sanoat базасига эга! Қолаверса, ўсиш суръатининг ўзи кўтарилб бораёпти. Францияда 29 йил мобайнида — 1910 йилдан иккинчи жаҳон урушининг бошланишига қадар sanoat ишлаб чиқаришнинг ҳажми бор-йўғи 5 фоизга кўпайди. Аммо 1948 йилдан 1965 йилга қадар, яъни бор-йўғи 17 йил ичида у тахминан 220 фоизга ўсди. Ҳозирги пайтда sanoat жихатидан ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида иқтисодий ўсиш суръати 5-10 фоиз атрофида бўлиши оддий воқеа бўлиб қолди. Бу мамлакатларда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 15 йилдан кейин икки баравар кўпаяди. Бундан кейин эса иккиланишнинг муддати қисқаради.

...Кишини лол қолдирувчи

мана шу иқтисодий фактларнинг ҳаммаси ҳар томонни гулдуросларга тўлдириб турган жуда баҳайбат, жуда улкан ўзгаришлар машинаси томонидан яратилган. Бу машинанинг номи — техник тараққиётдир». Худди шунга ўхшаш фикрни рус олими Никита Моисеев ҳам («Тафаккур» журна-ли, 2010 йил, 2-сон. Мақола 2000 йил ёзилган) «Ахборот жамияти: имконият ва воқелик» номли мақоласида айтиб ўтади: «Ҳозирда ишлаб чиқариш соҳасини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳолни XVIII асрда кишилиқ жамиятига сурон солиб кириб келган ва тарих йўналишини тубдан ўзгартириб юборган буғ машинасига қиёслаш мумкин. Мазкур иттиро туфайли юз йилнинг нариберисида бутун ҳаётнинг андозалар ўзгариб кетган эди. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш жараён содир бўлмоқда ва унинг XVIII асрдан ягона фарқи — ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларнинг янада тезкорлигидир».

Ҳар иккала олим бир фикрни яқдиллик билан таъкидлаётти: тезлашяпмиз. Муносабатларда, ишлаб чиқаришда, умуман, яшаш тезлигимиз ортиб кетаяпти. Хўш, бу ҳолатни қандай баҳолаймиз: ижобийми ёки салбий? О.Тоффлер инсон ҳаёти ва ботинидаги тезлашувни таҳлил қилар экан, шундай ёзади: «Ўзгаришлар суръати-

нинг тобора ўсиб бориши психологик омил ҳамдир. У бизнинг руҳий мувозанатимизни бузади, бизнинг ҳаётни қабул қилишимизга таъсир кўрсатади. Ташқи тезланиш ички тезланишга айланади. Келажак билан тўқнашувда ларзага тушмаслик ва омон қолмоқ учун инсон мослашув қобилиятини бекиёс даражада мукамаллаштирмоғи керак ва ҳар қачонгидан ҳам ортиқроқ даражада чақон ва эпчил бўлмоғи зарур. У ҳаётнинг барқарорлигини сақлаб қолишнинг мутлақо янги усулларини излаб топтоғи талаб қилинади, негаки, унинг аввалги таянчлари — диний, миллий, қабилавий, оилавий ва касбий суянчлари ҳозирги кунда ўзгаришларнинг тезлашиб бораётган суръати таъсирида чок-чокидан сўкилиб кетмоқда». Эътибор қилинг, адоқдаги хулоса нимага қараб бораёпти. Техник тараққиётнинг ҳаддан ошиши биз — Шарқликлар, айниқса, ўзбеклар қаттиқ суян-диганларимиз — диний, миллий, оилавий (булар орасига жамоавий қадриятларимизни қўшсак ҳам бўлади) қадриятларимизнинг «чок-чокидан сўкилиб кетиши»га олиб келади. Бу шунчаки, ваҳима ёки «келажакчи» олимнинг хомхаёллари эмас, балки аниқ фикрлар ва ҳисоб-китоби обдон қилинган хулосалардир. Мана нима учун биз «оммавий маданият»га қарши курашяпмиз! Бу, ҳатто, давлат сиёсати даражасига


кўтарилди. Чунки ўзлигидан, илдизидан жудо бўлган миллат — миллат эмас, манқуртлар тўдасидир. Илдизидан қувват олмаган ниҳол, мева берадиган, жилла курса, соя берадиган дарахт бўлолмайди. Фақат ўтин бўлади, ўтин...

Бундан ташқари, олим экологик муҳитнинг бузилишига ҳам жиддий ёндашади: «Ўзига хос «психологик булғаниш» — яшаш суръатининг узлуксиз тезлашиши содир бўлмоқда. Шу билан бир қаторда тева-рак-атрофдаги муҳитнинг ҳаммасида жисмоний булғаниш рўй бермоқда. Саноат ўз чиқиндилари билан ҳаво ва сувни захарламоқда. Пестицид ва гербицидлар овқатларга тушяпти. Автомобилларнинг пачақланган темир қанотлари, алюмин консерва банккалари, шишалар, хизматини ўтаб бўлган синтетик буюмлар — қайси томонга нигоҳ ташлама, ҳамма жойда тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Биз ҳозирга қадар радиактив чиқиндиларни нима қилишни билмаяпмиз — уларни ерга кўмсақмикан, фазога чиқариб юборсақмикан, ёки океан тубига чўктир-сакмикан?»

Бизнинг техник қудратимиз ортиши баробарида ундан туғилдиган қўшимча таъсирлар ва яширин хавф-хатар, таҳдидлар ҳам ортиб бораёпти». Бу фикрлар ўзини инсон санаган ҳар бир зотни мушоҳада қилишга ундайди.

Булғаниш аста-секин инсон танасини ҳам забт этмоқда. Турли хил, етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган касалликлар, ер силкинишлари, ҳар томонимиздан бостириб келаётган иллатлар... Санаб адоғига етолмайсан киши. Машҳур башоратчи Нострадамус шундай ёзган эди: «Инсон табиатни обдон хўрлайди, ифлослантиради, булғайди. Натижада, табиат инсонга ўз эҳсонларини бермай қўяди. Шундан сўнг она табиат инсондан ўч олишни бошлайди». Бу, албатта, башорат. Лекин кишини ўйга толдирувчи башорат. Бу ҳолат юз бермаслиги учун ҳам инсо-

2-сурат




ният яқдиллик билан ҳаракат қилмоғи, табиат билан муомалада эҳтиёт бўлмоғи лозим.

СУНЪЙЛАШИШ

Техник тараққиёт ўз ортидан эргаштириб келаётган омиллардан бири (ҳаттоки хавф) — сунъийлашишдир. Кийимимиз, асбоб-ускуналаримиз, ҳаттоки, овқатимизга ҳам сунъийлик аралашди. Беш дақиқада тайёр бўладиган лағмонлару йогуртлар, пишириқлару шишириқларга ошқозонимиздан муқим жой топиб бердик. Бир қарасанг, меъданг бузилган, бир қарасанг жигилдонинг қайнайди. Дўхтирга борсанг, унданам баттар: бурнинг тагига нуқул антибиотик тикиштиради. Дод деворинг келади. Аммо, ўзига шукрки, биз мева-чевага, полиз экин-ю табиий ўсимликларга бой ўлкада яшаймиз. Табобатимиз ҳам яхши ривожланган. Ундан тўғри фойдалана олсак, кифоя.

Бу қурмағур олимлар бошқа иш топа олмагандай, одамни сунъийлаштириш керак, деган



1-сурат

фикрдан ҳеч қутула олишмаяпти. Мана шундай уринишлар намунасини **1-, 2-расмларда** кўриш мумкин. Бу расмларда дунёга машҳур «Toyota» фирмаси ҳомийлигида ишлаб чиқилган «музиқачи роботлар» тасвирланган. Бу роботлар квартети бизга Гленн Миллернинг машҳур «Ой серенадаси»ни чалиб беришни ҳам эплар экан. Ажабо! Ҳўш, музиқа чала оладиган робот ясабсан, раҳмат. Лекин бундан инсонга нима наф? Бечора темир-терсақ сен буюрган ишни қилапти, бироқ у ҳис қилолмайди-ку! Инсон музиқадан туядиган завқни робот туёлмайди, тав-

ОАВда ҳам тез-тез бонг урилмоқда. Давлатимиз томонидан табиатни асраш, экологик муҳитни барқарорлаштириш йўлида кенг кўламли ишлар амал-




3-сурат

ди: **вақти келиб, роботлар бизни бошқармаслигига ким кафолат бера олади?**

Ҳўп, ҳозирча уларни ўзимизга бўйсундириб турибмиз, чунки уларда (ҳозирча!) ақл йўқ. Лекин кун келиб, унга ақл ҳам ясаб беришса, аҳволимиз не кечади? Ўша «Темир хотин»даги «УЭС» (универсал электрон схема) ҳам ихтиро қилинса, роботлар бизни бошқара бошламайдими? Бир ҳамкасбим анча жўяли фикр айтиб қолди: «Ўйлаб кўрсам, мен компьютерни эмас, у

5-сурат



Мен робот (эмас)ман

сирланмайди, йиғлолмайди, қулолмайди, ахир.

Робот «кучукча» ва «оқ йўлбарсча» (**3,4-расмлар**) ўйинчоқларини Wow Wee компанияси тақдим этмоқда. «Оқ йўлбарсча»нинг ўтириганда баландлиги 30 см.дан ошмайди. Юмшоқ, кўзлари ёниб-ўчади, ҳатто, оғзини очиб, ёпа олади, овоз чиқаради. Кўриб турганингиз темир «кучукча» ҳам «дўсти» каби хусусиятларга эга. Буни қарангки, у «овқат» — қувватлантирилиши лозимлигини ҳам сўрай олади. Юзак қараганда — бола учун яхши ўйинчоқ. Бироқ одамчалар бу каби темир-терсақлар билан улғайса, энди-энди шаклланаётган меҳри одамлар, ҳайвонлар, табиатга эмас, шуларга тушмайдими? Шундоқ ҳам табиат меҳрsizлик билан хўрланаётган паллада бу «ўйинчоқлар» дард устига чипқон эмасмикан? Табиатга меҳри бўлмаган бола — ўсмир — катта одам бебаҳо неъматларнинг инқирозга юз тутишида «кўмак» ҳам бериб юборади.

Она табиатни асраш кераклигини қалб кўзи очиқ ҳар бир инсон билади. Бу мавзуда

га оширилмоқда. Парламентимиз таркибида «Экоҳаракат» аъзоларидан тuzилган фракция фаолият юритаёттир. Бу ёқда эса робот ўйинчоқлар, фалон пулли рекламалар. Экрандан сабоқ олиб ўсаётган авлод ота-онасини то шу ўйинчоқларни сотиб олиб бермагунча, ҳоли-жонига қўймайди. Олиб бериб қулоғи тинчиган ота-она боласининг маънавий илдизларини ўз қўли билан суғуриб олаётганини бирда биллади, бирда билмайди. Энг ёмони... **5-расмга қаранг!** Вақти келиб, бу ҳолат юз бермаслигига ким кафолат бера олади?!

Бу роботларни ясашга кетган маблағ кам бўлмаса керак. Дунёда миллионлаб очлар, қашшоқлар, турар-жойsiz инсонлар бор. Маблагни бундай бемаъни (бошқа таъриф тополмадим) ихтироларга харжлагандан кўра, савобли, хайрли ишларга сарфлаган мақбул эмасми? Эндиги «кашфиёт» ҳаммасидан ошиб тушади. 2010 йил АҚШнинг бокс ареналари-ю казинолари ҳамда шахватпарастларнинг «севимли маскани» сифатида ном қозонган Лас-Вегасда «Рохху» номли, тунги кўйлақдаги робот намоиш этилди (расмини беришга истиҳола қилдик). Эркакларнинг шахватини қондирувчи бу роботнинг айрича хусусиятлари ҳақида ёзишга юзим чидамайди. Бу ҳолатни битта ном билан аташ мумкин, холос — **ТУБАНЛАШИШ!**


ХАВОТИР

Холливуд киноижодкорлари томонидан «Мен роботман» («I, robot») номли филм ишланган. **6-расмга қаранг.** Бу суратларда гоётда катта куч, ақл, ҳис этиш қобилиятига(!) эга бўлган роботлар ҳамда уларга қарши курашаётган агент Дел Спунер тасвирланган. Сценарий машҳур фантаст ёзувчи Айзек Азимовнинг «Мен, робот» романи асосида ёзилган. Филм ижодкорларини нима ташвишга солган билмадим, лекин бу филмни томоша қилгач, менда бир хавотир уйғон-

мени бошқараётгандай. Йўқ, бу шунчаки, компьютерга боғланиб қолиш ёки унинг ёрдамисиз қолишдан келадиган

асосий нуқсон шундаки, биз ҳар қадамда янги техникадан ноўрин фойдаланаяпмиз, ундан фойдаланишда зукколик қилма-

6-сурат



кўрқув эмас. Бу — том маънода бўйсунуш. Ёки қўл телефонни олайлик. Усиз ҳатто кўчага ҳам чиқолмайман. Қилаётган ишларимнинг: алоқаларим, кундалик юмушлар, қайсидир ишни амалга оширишдаги ўрни, деярли, саксон фоизга тўғри келаяпти. Бундоқ қарасам, технология ёрдамисиз умуман яшаб бўлмайдигандай».

Йўқ, йўқ, мен техник тараққиётга қарши эмасман, «лудчи» (Лудчилар ҳаракати — XIX аср бошида Европада юзага келган ҳаракат. Бу даврда саноат инқилоби рўй бера бошлагач, ишчиларнинг катта қисми ишsiz қолади. Шунда улар бу ҳолатга янги ишлаб чиқариш дастгоҳларини айбдор ҳисоблаб, синдира бошлайдилар. Вақт ўтиши билан айб техникада эмаслигини тушуниб қолганларидан сўнг, ҳаракат ўз-ўзидан барҳам топади.) ҳам эмасман, асло! Унинг ёрдамида катта кўламдаги, инсон зоти бажара олмайдиган ишлар ҳам амалга оширилаяпти. Улкан завод-фабрикалар техника ёрдамисиз маҳсулот ишлаб чиқара олмаслигини ҳам биламиз. Бу каби ихтиролар инсоният фойдасига хизмат қилишиниям рад этмаймиз. Аммо ҳар бир ишда меъёрни унутмаганимиз маъқул.

АДОҚ

О.Тоффлер мақоласи сўнгидан изтироб билан ёзади: «Аммо

кага айлантириб қўйдик». Бу — ўтган асрнинг 70-йилларида янграган, ўз жамиятига қарата айтилган америкалик олимнинг нидолари, изтироблари. Унинг айтганлари бугун АҚШда ўз тасдиғини топди. Маънавият-sizлик, китоб ўқимаслик, шахватпарастлигу ашёпарастлик, ялтироқликка, машҳурликка ўчлик каби иллатлар Америка


жамиятида оддий ҳол сифатида баҳоланмоқда. Биз эса бу хатолардан тўғри хулоса чиқариб, боболаримиз бошлаб берган, турли синовлардан ўтган қадриятларимиз, маънавиятимиз, одатларимиз ва ЎЗБЕКлигимизни асраган ҳолда, собитқадамлик билан ҳаракатланмоғимиз лозим. Чунки бизда илм, тафаккур, ғайрат, шижоат, ор-номус, оилага, юртга садоқат, эртанги кунга яхши ният ва умидлар қилиш

— барча-барчаси бор. Улардан тўғри ва оқилона фойдалана олиш эса ўз қўлимизда.

Омон бўлинг, қадрдон...

Адҳам АРСЛОН,
«Ishonch» мухбири

4-сурат



Бу расм ҳазилку-я, баъзан ҳазил тағида зил ҳам бўлади.

У қишлоқ баҳорини жуда-жуда соғинган эди. Сингилчалари териб келган янглиз ва эндигина учқолоқ бўлган йўнгиқчалардан онаси сомса қилиб берди. Соғинганларини кўрганиданми ёки сершовқин шаҳардаги ўйлар бир он орта чекингани учунми, бош оғриғи сал пасайгандек бўлди.

— Ишларинг яхшими, ўғлим? — сўради онаси бир оздан сўнг. — Намунча ўзингни олдириб қўймасанг? Рангинг ҳам синиққан, тобинг йўқми?

— Яхши, секин-секин кетяпти, — деди Ражаб хиёл пешонаси тиришиб. Кейин онасини тинчлантириш ниятида қўшиб қўйди: Сал шамоллабман шекилли, ўтиб кетади. Сўнг докторнинг кеча айтган гаплари эсига тушди: «Шамоллабсиз. Озгина қон босимингиз ҳам бор. Хайронман, сиздек ёш йигитда бу қарёқдан пайдо бўлган. Йигирма тўрт ёшда-я. Сўнги пайтларда бирор нарсадан қаттиқ асабийлашганмисиз?.. Илмий иш денг! Эҳ, ёшлар, илмий иш, деб ҳамма нарсани унутасизлар. Фан номзоди бўлгунча камида биттадан касални орттириб оласиз! Одам ўзига ҳам қараши — иш, овқатланиш, дам олиш, уйку режимига риоя қилиши керак-да! Асабни эса жуда авайлаш лозим. Ёзган дориларимдан кунига уч маҳал ичасиз, бир ҳафта ҳеч нарсани ўйламасдан, кайфиятингизни бузмасдан дам олинг. Ҳаммаси ўрнига тушиб кетади».

«Ўйламасдан» эмиш! Ўйламасдан бўладими?..

Бари ўша декабрдаги йиллик ҳисоботдан бошланди. У олиб борган тажрибалар олдиндан маълум ишлар бўлиб чиқди.

— Оғизни очиб юравермай, адабиётлар билан тузукроқ танишиш керак эди, — койиди уни илмий раҳбари Аскар Тўрабоев.

— Энди ёш бола эмассиз, — деди лаборатория мудири Ҳанифа Нишоннова илмий раҳбарнинг гапини қувватлаб. — Бу ер мактаб эмаски, уни ўқи, буни ўқи, деб ўқитаверилса. Бу аҳволда ўн йилда ҳам ёқлай олмайсиз. Илмий ходим, аввало, мустақил бўлиши, ўз соҳасини пухта эгаллаши керак. Сиз эса...

Ражаб лаборатория ходимлари олдида ноқулай аҳволга тушиб қолди. Айтилган насиҳатомуз гапларнинг тўғрилигини биларди, аммо, очиги... Унинг асли нияти ўқитувчи бўлиш эди. Икки йил бурун университетни тугатган, уни ишга юборилганда ўзи ҳам, уйдагилар ҳам хурсанд бўлганди. Яхшигина ишлаётганди. Ўқув йили якунига бир ойна қолганда, уларниқига илмий-техшириш институтида ишлаб қолган сирдарёлик ҳам-курси Омон келиб қолди. Икки кун турди ва кетар чоғида Ражабдан:

— Мактабда ишлаш қалай экан? — деб сўради.

— Тузук. Болалар, дарс — ўзим орзу қилган ҳаёт.

— Шунақа денг, — дея таажубланди Омон. — Бир маслаҳатли гап бор, дўстим. Менга қаранг, қўлингизда университетнинг дипломи борми-бор, оила тинчми-тинч; ёшсиз, мактабда ишлаш бўлса қочмайди, ўқитувчилик доим сиз билан. Сезишимча, анча оқимга тушиб қолган кўринасиз: иш, ҳаёт, тирикчилик... Тагин бир-икки йил шу тариха ўтса... Ҳар ҳолда, яхши ўқигансиз. Истасангиз, бизнинг институтда ўрин бор...

Омон кетган, Ражабнинг гапларини тарозга солиб кўрди-да, ўзича «орқада қилиб кетяпсиз» деган маъно чиқарди. Бундоқ ўйлаб қараса, ҳақиқатан ҳам шунақага ўхшайди: ҳар кун бир хилдаги, зерикарли ҳаёт. У ёқда бир кун қарабсанки, фан номзодисан! Муттасил бир мақсад билан, мақсад бўлганда ҳам олий мақсад билан яшайсан — олимлик! Тўғри, кўп қийинчиликлар бўлади, лекин ҳаммаси ўткинчи. Нима, ўша Омондан ёки шаҳарда қолиб илмий иш қилаётганлардан унинг қаери кам? Илмга унчалик хуши йўғу... Ҳўш, нима бўпти? Бир амаллаб ёқлаб олса, унча-мунча ерда сўзи ўтадиган одам бўлади...

Ражабнинг боши шу каби фикрлардан говлаб юрганда ўқитувчилар кенгашидаги тортишув устига-устак бўлди. Узоқ давом этган баҳсдан сўнг дирек-

тор қовоғини солиб деди:

— Хуллас, бу ўқув йилидаги тўғарак машғулотлари кўнгилдагидек бўлмади, энди келаси йил режаларини ҳал қилиб олишимиз керак. Қани, ким нима дейди? Қандай ташкил қилсак бўлади?

— Машғулотлар ҳафтада бир мартадан ўтказилса, — таклиф қиритди Ражаб.

— Икки ҳафтада бир денг, — эътироз билдирди математика ўқитувчиси Раҳматуллаев.

— Нега энди? — Ражаб ажабланди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг: бу йилги ойда икки мартага мўлжалланган машғулотлар ҳам ўтказилмади ёки номигагина уюштирилди. Охири болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам ҳеч қизиқмай қўйди бунга. Сабабини биласизми?.. — Раҳматуллаев ёш болага гап ўқираётгандек Ражабга тикилиб давом этди. — Ўтган йили, сиз айтгандек, машғулотлар ҳафтада бир марта ўтказиларди. Дирекция билан келишиб, ўша машғулотлар учун ҳам соатбай ҳақ олинарди. Шунда ўқитувчилар машғулотларни ҳам қизиқарли, ҳам муттасил олиб боришарди. Бу йил эса...

— Ҳамма гап пулда денг! — Ражаб

сигирини етаклаб, Хўжаариқ бўйига — болалар ёнига шошарди. Молларни ўтлоққа қўйиб юбориб, ўзлари қалин буталар ичида икки гуруҳга бўлиниб «уруш-уруш» ўйнашарди. Баъзан ўйинга шунчалик берилиб кетишардики, моллари пахтазорга ёйилиб кетиб, бригадирдан сўйиш эшитишарди. Камини уйда оталаридан олишарди... «Қиҳ, ўлдинг! Қиҳ, ўлдинг!» — болалигидан Ражабнинг миясида ўрнашиб қолган шу гап ҳозир яна чарх ура бошлади. Наҳотки, у ўша ўйиндаги энг лапашанг бола сингари биринчи бўлиб сафдан чиқса?..

— Салом, домла!

— Салом, домла!

Хўжаариқ ёқлаб мактабдан қайтаётган болаларнинг овози Ражабнинг хаёлини бўлди.

— Салом, салом! Ие, Наби, Вали, қалайсизлар? Ўқишлар қандай? — Ражаб кетишидан олдин ўзи еттинчи синфда кимёдан дарс берган собиқ ўқувчиларини кўриб қувониб кетди.

— Раҳмат, яхши, — дейишди болалар бараварига.

— Кимё-чи?

— У ҳам яхши-ю, лекин масала



тутақиб кетди. — Ахир биз педагогимиз-ку! Раҳматуллаев мийиғида маънадор кулиб қўйди.

— Ёшсиз, ҳали осмонда учиб юрибсиз, ука. Бир-икки йилдан кейин ерга тушиб қоласиз. Ана унда кўрамиз фалсафангизни!

Директор тўғарак машғулотларига пул тўланмаслигини айтган, кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлганлиги уларнинг юзларидан кўриниб турарди.

«Демак, кўплар қилаётган ишларини пул билан ўлчар экан-да! Бўлмаса, Раҳматуллаев педагог бўла туриб, кенгашида шунақа гапларни айтганими? Яна уни қувватлашгани-чи! Ҳа, бу ерда мен ҳам уларга мослашим шарт. Барибир ўзимни минг ўтга-қўққа урмай, оддий ўқитувчи бўлиб қолавераман-да. Кўтарилш, олдинга силжиш деган гап йўқ мактабда. Умринг бекорга хазон бўлади. Шаҳарда эса, бошқача... Бир кун фан номзоди бўласан!»... Ўйлардан Ражабнинг боши тарс ёрилай берди. У асабни авайлаш кераклигини англаб турса-да, хаёллари бунга йўл қўймасди. «Қишлоқчи бир айланиб келаман», — деди кўча томон йўл оларкан.

— Касал одам дам олиб ётмайди, тентирамайди? — онаси ортидан гапирганча қолди.

Кўчага чиқди-да, уйлари рўпарасидаги пахтазор ўртасидан ёриб ўтган сўқмоқдан юриб кетди. Пахтазорнинг нариги бошида катталиги анҳордек келадиган Хўжаариқ оқиб ўтарди. У икки ёнида бақатерак шохлари қийшайиб ўсган жар бўйига борган, кўм-кўк ажриқлар устига ўтирди. Пастда Хўжаариқнинг бўтана суви баҳрдан маст бўлиб пишқириб оқарди. Бу манзара болалигини эсга солди...

... Мактабдан қайтган, онасининг ҳайҳайлашига қарамай, овқатланмасдан, битта нонни қўйнига соларди-да,

ечишда қийналяпмиз, — деди Наби.

— Нега? Футболни кўпроқ ўйнаясанларми дейман?

— Йўқ, — жавоб берди Вали. — Кимёдан ҳам физикадан қирадиган опой қираяпти. Дарсларни яхши тушунмаймиз. Масала ечишни эса, умуман ўргатмайди. Сиз ўқитганингизда қизиқ-қизиқ тажрибалар қилардик.

Ражаб директорнинг: Ўрнингизга ҳозирча ўқитувчи йўқ, яна бирор йил ишлайсиз, деб кетишида хархаша қилганини кўнглидан ўтказди.

— Домла, бир гап сўрасам майлими? — деди Наби тўсатдан.

— Тортинма, сўрайвер, нима эди?

— Сиз ўқитганингизда мен кимёгар бўлмоқчи эдим. Отам ҳам яхши битирсанг, Тошкентдаги сиз ўқиган университетга юбораман, деганди. Нега кетиб қолдингиз?

— Энди-чи, энди ким бўлмоқчисан?

— Энди... Ҳеч ким. Ўқишни битирган, армияга кетаман.

— Армиядан кейин-чи? — Ражаб Набининг орзусини билмоқчи бўлди.

— Билмадим...

— Сен-чи, Вали?

— Мен футболчи бўлардим-у, дадам оёғингдан айрилсан, деб доим уришгани-уришган. Ўтган йили газетадан республика спорт мактабига ўқувчилар қабул қилинишини ўқиб, Тошкентга бормоқчи бўлдим, лекин дадам директорга айтиб, хужжатларимни бердирмади. Ўрни битирасан, кейин политехника институтига кирасан, инженер бўласан, дейди. Мен математикаси бор ўқишни ёмон кўраман.

Ўз аҳволи ўзига аён Ражаб болаларга вазъ ўқиб ўтирмади. Улар кетган, секин ўрнидан турди-да, Хўжаариқ ёқлаб юриб кетди. Ўйлар эса уни ҳамон тинч қўймасди. «Нега кетиб қолгансиз?» Шунчалик енгилтак эдимми ўшанда? Кимлардир унинг

ёшида эл оғзига тушган, машҳур одам бўлган, эл-юртнинг қор-қолига яраган. У бўлса... «Кимёгар бўлмоқчи эдим-у... Футболчи бўлардим-у, аммо...» Булар — мақсадга айланолмаган, шаклланмай қолган хаёллар. Хаёлни мақсадга айлантириш, шакллантириш учун эса кимдир керак, нимадир етишмайди... У шу ерда бўлганда, балки Набининг орзуси қатъийлашармиди?..

Ражаб қош қорайганда уйига қайтиб келди. Мияси ҳамон лўқиллаб оғрир, ранги синиққан эди.

— Касал одам кўчада санқиб юраркан-да, — деди ундан сал илгари келган отаси ўғлининг юзига разм солиб, — Овқатингни егин-да, уйга кириб ёт!

— Ўрик гули пайти-ку! Эшиқда ёта қолсин. Баҳво, баҳри дили очилади, — деди онаси. — Сўрига ўрин солиб бераман.

— Шаҳарликлар нозик бўлади. Баттар шамоллаб қолмасин, — деди отаси пичинг аралаш.

Ражабнинг иштаҳаси бўғилиб, томоғидан овқат ҳам ўтмади. Уйга кириб ётди. Аъзойи бадани қақшаб, иситма чиқа бошлади. Отаси қўшни маҳалладаги Ражабнинг синфдоши, бу йил тиббий ёт институтини битириб, қишлоқ касалхонасида иш бошлаган Толибжонни чақириб келди. У келиб кўрди-да, Ражабга касалхонага ётиши зарурлигини айтди. Толибжон кетгач, отаси деди:

— Маа, Толибжонни қара. Ҳозир ўзимизда катта доктор. Маҳалла-қўйнинг оғир-енгилига яраб қолди. Ҳамманинг оғзида. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони афзал, дейдилар. Ҳали ҳам аллақандай лаборант эмишсан. Бу кетишда юраверасан-да... Аҳволингга қара, овқат тегмаган одамдек сўрайиб қолибсан.

— Битта қорнинг шу ерда ҳам тўярди. Кўп бўлмаса оз, катта бўлмаса кичик эди. Туришингни кўр — бир сиқим. Токайгача бегона шаҳарда мусофир бўлиб юрасан, — деб қўшимча қилди онаси. Ота-онаси унинг ишларидан, кўнглидаги кечинмаларидан гўё хабардордек гапирарди.

Ражаб касалхонада икки ҳафта ётди. Толибжоннинг қўли енгил чиқди. Бу орада ўрик гули гўрага айланди. Ғурани болалардек қувонч билан «карс-карс» қилиб еди. Толибжон билан болаликни, данаги қотмаган ғўрадан «сутми-қатик» ўйнашларини хотирлашди. Ёлғиз қолганда кўп ўйлади...

Уни кўргани бир йил ўқитган ва унга меҳри тушиб қолган ўқувчилари келиб туришди. Ҳеч бири Набидек, «Нега кетиб қолгансиз?» — деб ошқора сўрама-са-да, қарашларида шу савол бор эди. Директор ҳам эшитган экан, кўргани келди. Аҳволини, ишларини хўп сўради. Ражаб ростини айтолмади...

У касалхонадан чиққанда қатъий фикрга келган эди. Аммо «йигит сўздан, арслон изидан қайтмайди» деган мақол бор... Ота-онасига фикрини қай тарзда айтади? Қишлоқнинг каттадан-кичиги «шаҳарда олимпикка ўқиётган Ражаббой бир ярим йил ўтмай, ўқишини удалай олмай яна қайтиб келибди-да», деб маломат қилишини кўз олдига келтираркан, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Нима деган одам бўлади? Қишлоқдагилар ҳам, ишхонасидагилар ҳам «эглолмапти-да» дейишмайди-ми? Буларга нима дейди-ю, уларга қандай баҳона кўрсатади? Илмга қобилиятим йўқ экан, қишлоққа кўпроқ керак эканман, дейдими? О, бу каби қаҳрамонона ибораларни ишлатиш хаёлда осон.

Эртасига Ражаб поездга ўтириб шаҳарга кетиб бораркан, кеча барча андишаларни йиғиштириб мактаб директорига учрашганда, у айтган гаплар хаёлида тинмай такрорларди: Хато ҳаммада ҳам бўлади. Инсонга фақат галабадан нашъа қилиш эмас, мағлубиятни тан олиш ҳам зеб бағишлайди, деган экан бир донишманд. Энг муҳими, киши жамиятда ўз ўрнини топа билишида. Ёшсиз, фикр-хаёлингиз чегара билмайди. Гўзал хаёллар, кўтаринки кайфият, мени ҳам бир карра чалғитган... Айтсам, бир китоб бўлади. Кейин, мавриди билан ҳикоя қилиб бераман. Болалар сизни орзиқиб кутишяпти.

Кўнглингиз

нимани тусайди?

— Ошпазлик санъати ҳеч бир муболағасиз миллат нуфузини улғувчи омиллардан биридир. Ўзбек халқи ҳам бу борада алоҳида ўринга эга. Сизни бу касбга йўналтирган, меҳр уйғотган кишилар ҳақида гапириб берсангиз.

— 5-6 ёшимда онам хоним қилардилар. Хонимнинг четидан чиққан хамирлардан кичкина нончалар ясаб, печкада пиширардим. Бу касбга қизиқиш балки ўшанда бошлангандир. Кейин ўрта мактабнинг 8-синфини битириб, амаким, раҳматли отам билан биргаликда «Тошкент» меҳмонхонаси, умумий овқатланиш ошхоналари, ҳозирги кунда Миробод туманига тегишли ҳарбий комиссариат биноси ёнида пазандачилик, ошпазлик қилиб юрганман. Орадан бир қанча вақт ўтиб, новвойлик, сомса ёпиш, тўй ошлари, кабоб тайёрлаш сирларини ўрганганимдан сўнг яқин танишим Россияга ишга таклиф қилиб қолди. Красноярск шаҳрида нон ёпганман. Ўз касбимни янада яхши ўрганиш мақсадида Туркияга бориб, 7 йил ўқиб-ишладим. У ерда Европа услубида таом тайёрлаш сирларини ўргандим.

— Ошпазликни санъат даражасига кўтаришда аввало бор нимага эътибор қаратиш даркор?

— Ошпазлик шунақа нарсаки, сира охири йўқ. Ҳар доим изланишни тақозо этади. Бу касбни санъат даражасига олиб чиқишда, албатта, Ўзбекистон пазандалар уюшмаси бизга яқиндан ёрдам берди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон», «Tashkent Palas», «Грант Орзу» меҳмонхоналарининг бош ошпазлари ўзаро ҳамкорликда ишладик. Яқинда Зомин туманидан келган бир қатор ошпазларга бир ой давомида Европа таомлари тортиқ этиш йўл-йўриқларидан таълим бердик. Яқин ўртада уюшма-миз Андижон вилоятига хизмат сафари уюштириш ниятида. Наманган, Қўқон, Марғилон, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига бориб, яқиндан ёрдам бериш, Европада бўлаётган ишлардан уларни хабардор қилиш ҳам режамизда бор.

— Турли танлов ва халқаро мусобақаларда иштирок этасиз. Шулар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Кези келганда, ошпазлик касбини янада такомиллаштиришда «Golden-Hill» ресторанининг раҳбари Акбар Умаровнинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлашни истардим. Шу инсон туфайли миллий ошпазлик санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, мусобақаларда қатнашишга муяссар бўлдим. Масалан, 2006 йили Екатеринбургда ўтказилган фестивалда иштирок этиб, сабзавотлардан гул ўйиш санъати бўйича қарийб 300 киши орасида учинчи ўринга муносиб топилиб, бронза медалини қўлга киритдим. Озгина ўқиниш бўлди, албатта. Ҳар бир мусобақанинг олий ўрни биринчи ўрин ҳисобланади. Кечалари ухلامасдан 3-4 ой-

Балиқ, гўшт ва бошқа масаллиқлардан тайёрланган хушхўр таомларга хушингиз борми? Балки кўнглингиз қисқичбақа, мидия, саккизоёқ тусар? Хуллас, миллий ва Европа таомларининг энг асиллари унинг қўлида санъат асарига айланади. Бугунги суҳбатдошимиз «Golden-Hill» ресторани бош ошпази, Ўзбекистон пазандалар ассоциацияси раиси Абдусаттор Самадовдир.

лаб балиқ пишириш, гўштли таом тайёрлаш усулларини ўргандим. Катта ютуқларимиздан яна бири Истамбул сафарида юз берди. У ерда миллий ошхонамизни ҳам намойиш этдик. Сирдарёдан олиб борилган сазан балиғидан таом пиширдик. 1-турнинг ўзида балиқ таоми бўйича 80 дан ортиқ бош ошпазлар кўрик-танловида яна учинчи ўрин насиб этди. 2-босқичда, яъни ўзимнинг сеvimли соҳам — тарвуз-қовун декорацияси бўйича 20 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан олтин медалга муносиб кўрилдим. Байроғимиз кўтарилганида кўзимизда ёш ҳам қалқди. 2008 йил яна Истамбулга сафар уюштирилди. Туркияда бизни ҳар қачонгидан кўра илиқ кутиб олишди. 5 нафар ёш ошпазимиз муваффақиятли қатнашиб, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлишди.

Шуни қўшимча қилишим мумкинки, 2009 йилда Бокуда Ислон таомлари бўйича кўрик-танлов биз учун ўзига хос синов вазифини ўтади. Унда Эрон, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони, Кувайт, Тунис, Жазоир, Миср каби ислон давлатларидан ошпазлар иштирок этишди. Шогирдим Муҳаммадали Алиев билан қатнашиб, иккита олтин, иккита кумуш, тўртта бронза медали билан тақдирландик. Айниқса, юртимиздан олиб борилган масаллиқлардан тайёрланган шоҳона кўй гўшти таоми кўпчиликка манзур бўлди.

Кўрик-танловларнинг энг қизиқ жиҳатларидан бири, бу қора кути ҳисобланади. Бутун дунёдан келган жамоалар ошпазлари (улар тўрт кишидан иборат)га биттадан қора кути берилади. Унинг ичида нима борлигини ҳеч ким билмайди. Шарти шуки, кимки кўпроқ маҳсулотдан фойдаланиб, Европа стандартлари бўйича технологияни бузмаган ҳолда таом тайёрласа, ўша жамоага омад кулиб боқади. Балиққа бериладиган градусларни, сепиладиган зираворларини ўзгартирмасдан, таомнинг ранг-баранглигини, жозибadorлигини чиройли намён эта олсагина голиб саналиш мумкин. Биринчи овқат, яъна газак, иккинчи овқат ва ширинлик. Ошпаз ўзининг маҳоратини шу 90 дақиқа ичида намён қила олиши керак. Билмаган масаллиқлардан таом тайёрлаш ўзига яраша қийинчилик туғдиради, албатта. Лекин кучимизга ишониб, ҳамжиҳатликни йўқотмаган ҳолда гран при медалларини қўлга киритдик.

— Сизнингча, дунё аҳли учун ўзбек ошхонаси қай даражада таниш? Қайси таомлар кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлган? Нима учун?

— Ҳеч бир муболағасиз айтишим мумкинки, кўпчилик мамлакатларда миллий таомларимизни севиб истеъмол қилишади. Масалан, Россиянинг 40 фоиз аҳолиси учун ўзбек миллий таомлари таниш. Англия, Туркияда ўзбек паловини кўпчилик сўрайди. Ҳатто Монголия, Туркия, Америкада ҳам миллий ресторанимиз очилган. Американинг Маями шаҳридаги «Караван» ресторанида шогирдим Музаффар Худойбергенов бош ошпаз бўлиб ишлайди. 2009 йилда Москвада Крокс Экспо ҳамда Пир Индустрия гастрономик фестивалларида иштирок этиб, кумуш, олтин медалини қўлга киритганимиз ва Кремл кубогига сазовор бўлганимиз ҳам бежиз эмас.

— Хабаримиз бор, шогирдларингиз сон-ноқисиз. Уларнинг алоҳида қирралари кўпроқ нималарда намён бўлишини истайсиз?

— Дарҳақиқат, шогирдларим кўп. Муҳаммадали Алиев, Музаффар Худойбергенов, Зухра Жўраева... Юздан ортиқ шогирдим бор. Ҳар бир устоз шогирдининг ўзидан ўзишини хоҳлайди. Шогирдларим келгусида Ўзбекистон пазандалар ассоциациясининг ишларини давом эттириб, тўғри овқатланиш тарзини яратишини, сифатли маҳсулотлар билан халқимизни хушнуд этишини ҳамда малакали ошпазлар қаторидан жой эгаллашларини жуда-жуда истайман.

— Халқимизда эркак тайёрлаган таом тотли бўлади, деган гап бор. Бу ҳақиқатми ёки...

— Шуни айтишим мумкинки, таомнинг мазали, чиройли бўлиши тайёрлаётган инсоннинг, у хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, қалбига боғлиқ. Аёлларимиз бор, ҳам назария, ҳам амалиёт жиҳатидан эркакларимизни ортда қолдириб кетишади. Масалан, қандолатчиликда ҳар қандай зўр билимга эга бўлмасин, эркаклар ширинликни аёлларчалик мазали қилиб тайёрлай олмайди. Бу менинг шахсий фикрим, яна ҳамкасбларим мендан ранжиб юришмасин. Чунки, қандолатчилик касби ўта нафис дид талаб қиладиган соҳа. Лекин умумий ошпазлик соҳаси, албатта, эркаклар учун. Бундай дейишимнинг сабаби шуки, бу жуда оғир кечадиган жараён бўлиб, аёлларга бундай оғир меҳнатни раво кўрмасдим, уларнинг қўллар толиқшини хоҳламасдим. Ресторан, умумий овқатланиш ошхона-



лари, мактаб, боғчаларда фарзандларимизга ажойиб овқат тайёрлайдиган аёлларимиз жудаям кўп. Лекин катта ҳажмда иш қилинадиган масканларда аёлларга қийин бўлади. Бир нарса аниқ, яхши кайфият билан қилинган таом доимо мазали бўлади. Аёлларимиз овқат тайёрлашни кундалик иш деб билляшади. Улар аввал рўзгорга қарашади, маҳсулотларни тежаб ишлатишга ҳаракат қилишади. Эркаклар эса онда-сонда уйда қолганда, бу ишга қўл уришади. Қолаверса, аямасдан, масаллиқнинг ҳам ўзига ёққанини, янги гўшдан овқат тайёрлаб, мақтанишни яхши кўришади. Кунлик овқат билан онда-сонда қилинганнинг албатта, фарқи бўлади. Шунинг учун эркакларнинг қўли ширин, дейишади. Лекин ошни, албатта, эркак киши тайёрлагани маъқул, деб ўйлайман.

— Фаолиятингиз билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Истамбулда бўлганимизда турк миллий таомларидан қониқмадик. Чунки биз — ўзбеклар бақувват овқатларни еб ўрганганмиз. Боз устига Қора денгиз бўйида қунига 50 км. лаб сайр қиламиз денг. Қорнимиз очиб қолди. Ресторанига кириб балигини, турк кабобини едик, кечга бориб танада куч сезмаяпмиз. Кейинги келишимизда масаллиқлар олиб келиб, ўзимизнинг чойхона паловни тайёрлашни режалаштириб олдик. Чунки ҳар ойда икки-уч марта чойхона палов емасак, кўнглимиз жойига тушмайди. 2008 йилда хизмат сафарига борганимизда, думба ёғи, гуруч, сабзи, пиёзлардан олдик. Беш минг ўринли меҳмонхонанинг ресторанида 14 та давлатдан келган ошпазлар танлов олдидан ҳозирлик ишларини олиб бораётганди. Мен эса ўзимизга овқат тайёрлаётган эдим. Ёғни эритиб, пиёзни қовураётганимда, немис мутахассиси келиб қолди. Чойхона паловни биласиз, пиёз яхшилаб қизартирилади, кейин гўшт солинади. Бошқа жараёнларни ҳам бажариб, гуручларни ивитиб, зираворларни солиб, хуллас, ошни дамладим. Ўзбекларнинг миллий урф-одати бўйича ҳаммага ош тарқатдик. Бир пайт қара-

сам, немис ошпази вилка билан ошни титқилапти. «Нима қилаяпсан» деб сўрасам, у «куйган пиёзни қидираяпман, уни олиб ташладингми», деб сўраяпти денг. У ҳали бунақа жараённи кўрмаган экан-да! Ошнинг мураккаб жараёнлиги шундаки, у ҳам қовурилади, ҳам қайнатилади, ҳам буғига димланади. Шунинг учун уч жараёндан иборат ҳисобланади. Европа таомларининг кўпи қовуриб димлаш, қовуриб қайнатишдан иборат. Ёки бўлмаса қайнатиб, қовуриб, димлаш. Хуллас, у бунақа жараённи биринчи марта кўриб турганидан ҳайратга тушганди.

Яна бир қизиқ воқеа. Қора денгиз соҳилида жойлашган жуда чиройли ресторанга овқатлангани кирдик. Бош ошпазнинг ўзи хизмат кўрсатяпти денг. Одам кам. Салат, биринчи овқат, хуллас, ҳамма нарсага буюртма бердик. Инглиз тилида нон нима эканлигини билардик, лекин турк тилида нон сўзини билмасдик. Ҳамма нарсани олиб келиб қўйди, лекин нон йўқ. Биласиз, ўзбеклар овқатни нонсиз емайди. Ошпазга қайта-қайта нон дейишимизга қарамасдан, у бизни тушунмасдан бошқа нарсалар кўтариб келаверди. Охири бўлмади. «Мен бош ошпазман, қани ошхонага олиб бор», деб ундан илтимос қилдим ва унга нонни кўрсатдим. Шундан сўнг у бир даста қилиб нон келтириб қўйди. Шу нарса бир умрга эсдан чиқмаса керак, деб ўйлайман.

— Бош ошпаз сифатида юртимиздаги пазандалар, уй бекалари ва ошхона эгаларига қандай маслаҳатларингиз бор?

— Овқат ўзи шунақа нарсаки, қанча кўп эътибор қилинса, шунчалик сифатли чиқишига ишонч қилишингиз мумкин. Шунинг учун овқат тайёрлаётганда, хушёрроқ туришларини сўрардим.

— Ишларингиз кўплигига қарамасдан вақт ажратганингиз учун Сизга катта раҳмат. Бундан кейинги фаолиятингизда, ошпазлик санъатимизнинг шарафини юқори чўққиларга олиб чиқишингизда омад ёр бўлсин!

Наргиза ЖўРАБЕКОВА
суҳбатлашди

Осиё чемпионати (U-16)

Тошкент мусобақага тайёр



Хабарингиз бор, 24 октябрдан 7 ноябрга қадар мамлакатимиз футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати мезбонлик қилади. Учрашувлар пойтахтимиздаги «Пахтакор» ва «Жар» стадионларида уштирилади. Осиёнинг 16 жамоаси келаси йили Мексика майдонларида ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига бериладиган тўрт йўлланма учун баҳс олиб боришади. Чемпионат низомига мувофиқ учинчи ўрин учун ўйин ўтказилмайди.


2008 йил айнан Тошкентда бўлиб

ўтган чемпионатда вакилларимизга омад чопмаган, ўшанда эронликлар голиб бўлишганди. Ўйлаймизки, бу сафар Алексей Евстафеев қўл остида ҳаракат қилаётган ёшлар олдинги ҳатоларни қайтаришмайди. Айни кунларда энгил машғулот ва тактик усулларни мукамаллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Вакилларимиз 24 октябр куни бўлиб ўтадиган илк учрашувни индонезиялик тенгдошларига қарши ўтказадилар. Бундан ташқари, гуруҳда Тожикистон ва Иордания жамоалари ҳам бор.

«Гуанчжоу — 2010»

Муҳим синов олдидан

Академик эшак эшиш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари масъулиятли дамларни бошдан кечиришмоқда. Улар жорий йилнинг ноябр ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Айни кунларда Тошкент денгизда сўнгги тайёргарлик машғулотлари ўтказилмоқда.



2006 йил Дохада ўтказилган XV Осиё ўйинларида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медалларни академик эшак эшиш бўйича спортчиларимиз тақдим этишган эди. Ўтган йиллар

давомида ҳам вакилларимиз турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, олимпиада ўйинларига йўлланма олишди. Жорий йил ҳам эшак эшувчиларимиз Сингапурда ўтган Осиё кубоги дастуридан ўрин олган барча баҳсларда юқори ўринлардан жой олган ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга кўтарилишди.

Академик эшак эшиш бўйича терма жамоамиз 7 ноябр куни Гуанчжоуга йўл олиб, 14 ноябрдан баҳсларга киришади.

«ОЧК — 2011»

Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубогининг 2011 йилги мавсуми гуруҳ ҳамда нимчорак финал босқичи учун қуръа ташлаш маросими жорий йилнинг 7 декабр куни бўлиб ўтади.

Қуръа 7 декабрда ташланади

ОФК қароргоҳи жойлашган Малайзиянинг «PJ Hilton Hotel» меҳмонхонасида бўлиб ўтиши режалаштирилган тадбирда аввалига (Тошкент вақти билан) соат 12:00да ОФК кубоги ўйинларига, кейин эса 14:00да Осиё чемпионлар лигасига қуръа ташланади.

«Аргентина — 2010»

Ампутантларимиз жаҳон чемпионатида



Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси қуръа натижаларига кўра, «В» гуруҳидан жой олган бўлиб, навбатдаги босқичга чиқиш учун Бразилия, Эрон ва Нигерия терма жамоалари қаршиликларини енгишга тўғри келади. Эслатиб ўтамыз, Ан-

Хабарингиз бор, шу кунларда Аргентинада ногирон футболчилар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлиб ўтаётди. Унда иштирок этиш учун Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси ҳам Буэнос Айресга жўнаб кетди.

вар Исмоилов шогирдлари дастлабки учрашувни Нигерия терма жамоаси билан ўтказди.

Ёдингизда бўлса, Туркияда ўтказилган олдинги жаҳон чемпионатида юртдошларимиз бош совринни қўлга киритишганди.

Шунингдек, Аргентинадаги ЖЧ арафасида кейинги жаҳон чемпионати мезбонлик қиладиган давлатлар номи эълон қилинди. Демак, 2012 йил — Япония, 2014 йилда эса Эрон бу вазифани адо этади.

Кўл тўпи

Пойтахтимиздаги «Қушбеги» спорт мажмуида беш кун давом этган кўл тўпи бўйича республика биринчилиги барча вилоятлар вакиллари иштирокида ўтди. Бош соврин учун баҳс финалга қадар мағлубиятсиз этиб борган Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти жамоалари ўртасида кечди.

Соврин пойтахтда қолди

Кўл тўпи асосан Тошкент шаҳри, Навоий, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

яхши ривожланган бўлиб, айнан шу жамоалар фаворитлар қаторида эътироф этилаётган эди. «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон гандбол федерацияси томонидан ташкиллаштирилган мазкур мусобақанинг финал баҳсида тошкентликлар 23:9 ҳисобида ғалаба қозониб, бош соврин соҳибига айланишди. Наманган ҳамда Сурхондарё вилоятлари жамоалари эса учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллашди.

Баскетбол

Баскетбол бўйича аёллар ўртасидаги мамлакат чемпионатининг биринчи тур баҳслари қизгин паллага кириб бормоқда.

Қизгин палла

Мусобақаларнинг навбатдаги куни «Хоразм» ва «Нукус» жамоаларининг учрашуви билан бошланди. Мазкур курашда тўлиқ устунлик қорақалпоғистонлик қизлар томонида бўлди. Бир неча йилдирки, ушбу жамоа Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ўтган чемпионатда олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган, Мустақиллик кубогида муваффақиятли қатнашган Навоийнинг «Сугдиёна — 1» ҳамда Олмалиқнинг «ОТМК» баскетбол клублари ўртасидаги учрашув янада мурасасиз кечди. Ҳисоб — 55:66.

Фарҳоднинг


Бокс

Олтин медали

Бокс бўйича Россиянинг Анака шаҳрида ўтказилган Николай Павлеков хотира турнирида Амет Тангрибергенов бошчилигидаги терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли иштирок этишди. Ўсмирлар ўртасидаги мусобақада 49 кг. вазн тоифасидаги финал баҳси вакилларимиз Фарҳод Боймуродов ва Шаҳобиддин Зоиров ўртасида кечди. Унда Ф.Боймуродовнинг қўли баланд ке-



либ, олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, 56 кг. да Бургут Ҳожибоев, 64 кг.да Ақром Мамажонов, 81 кг.да Мирзабек Ҳасановга бронза медали насиб этди.



Футбол

FIFA

ФИФА текширувни бошлади

ФИФАнинг икки нафар амалдори порахўрликда гумон қилинганидан сўнг, жаҳон футболининг бош ташкилоти ўз тузилмасида ЖЧ — 2018/22ларга мезбонлик қиладиган талабномалар бўйича қўшимча текширувларни бошлади.

Халқаро футбол федерацияси жаҳон чемпионати мезбонлик қилишга даъвогар бўлган мамлакатга ўз овозларини сотишга уринган Океания футбол федерацияси президенти Рейналд Темари ва ФИФА ижроқўми аъзоси Амоса Адаму бўйича иш очган.

Бундан ташқари, ФИФА шу каби ишларга аралашиб қолишда гумон қилинаётган бошқа амалдорларни ҳам текширишни бошлади ва бир қатор мамлакатлар ўзаро овозларни алмашиш борасида келишиб олишгани ҳақидаги маълумотларни ўрганишга киришди. Дарҳақиқат, сентябр ойи-

да ЖЧ — 2018 мезбонлиги даъвогарлик қилаётган мамлакатлардан бири бошқа бир мамлакатга 2022 йилги мундиал мезбонлигини қўлга киритишда ёрдам бериш бўйича оғзаки келишувга эришгани ҳақида хабарлар пайдо бўлишди.

Эслатиб ўтамыз, 2018 йилги жаҳон чемпионатини қабул қилишга Буюк Британия ва Россия, шунингдек, Испания ва Португалия ҳамда Белгия ва Голландия биргаликда даъвогарлик қилаётди. 2022 йилги жаҳон чемпионати мезбонлиги учун эса АҚШ, Австралия, Қатар, Япония ва Жанубий Корея давлатлари ўз номзодларини илгари суришган.

ОФК семинари

Малдив ороларининг Мали шаҳрида ОФКнинг «Келажак» лойиҳаси доирасида 25-30 октябр кунлари 2009 йилда танлаб олинган ёш иқтидорли ҳакамлар учун ўқув курслари ташкил этилади.

Ушбу семинарда 12 нафар ҳакам иштирок этади. Мазкур семинарда Ўзбекистондан Артур Аҳмадғалиев ва Акмал Раҳимов қатнашади. Ўқув курслари давомида ҳакамларимиз фитнес-тестдан ўтиб, назарий ва амалий машғулотларда ўзларини кўрсатишларига тўғри келади.

Курс директорлигини ФИФАнинг собиқ ҳаками, ФИФАнинг ҳакамлар департаменти собиқ директори Жорж Камминг (Шотландия) ўз зиммасига олган бўлиб, ҳакамларнинг энг яхшилари 2 йил давомида тайёргарлик жараёнини ўтайди ва кейинчалик улар ОФКнинг элит ҳакамлар рўйхатида кириши мумкин.

Саҳифани Нарзулла МАХАМОВ тайёрлади


107 миллиард доллар зарар

Британия савдо тадқиқотлари маркази (CRR) тарқатган маълумотларга кўра, жорий йилда дунё бўйича магазин ўғирликларидан кўрилган зарар 107,3 миллиард долларни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5,6 фоизга камайган.

Тадқиқот ҳисоботлари 42 мамлакатдаги савдо компаниялари вакилларининг маълумотлари асосида тузилади. Бу йилги ҳисобот учун 1103 нафар тижорат вакили орасида сўровнома ўтказилган.

Маълумотларга қараганда, дўконлардан кўпинча машҳур фирмаларнинг турли маҳсулотлари — мобил телефонлар, майда электроника буюмлари, парфюмерия маҳсулотлари ҳамда болалар кийимлари ўғирланади. Ўғирлар аксар ҳолларда қиммат озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам ўч бўлар экан.

Бундай ўғирликлардан кўрилган энг кўп зарар Ҳиндистон, Марокко ва Бразилия мамлакатларида қайд қилинган. Масалан, биргина Ҳиндистоннинг чакана савдо муассасаларидаги зарар умумий ҳисобнинг 2,7 фоизини ташкил этади. Австрия, Гонконг ва Тайван эса энг кам зарар кўрадиган дав-



латлар ҳисобланади.

Юқорида келтирилган рақамларга дунё савдо тармоқлари ҳам жим қараб тургани йўқ, албатта. CRR қайд этишича, ўғирларга қарши чора кўриш мақсадида савдо муассасалари йилдан-йилга умумий хавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтирмоқда. Жорий йилда шу мақсадни амалга ошириш йўлида дунё бўйича 26,8 миллиард доллар сарфланган.

Антонио Страдивари томонидан ясалган «Молистор» (Molitor) скрипкаси рекорд нарх — 3,6 миллион АҚШ долларига сотилди.

Страдивари скрипкаси

Ушбу бетакор асар мусиқа асбобларини сотишга ихтисослашган «Tariso» интернет-аукционидан сотувга қўйилган эди. Савдо бошлангунига қадар скрипкани 2-3 миллион долларга сотишни мўлжаллашган эди. «Молистор»нинг янги соҳибаси скрипкачи Энн Акико Мейерс бўлди.

«Молистор» Страдивари томонидан 1697 йилда машҳур уста ижодининг «олтин даври»да ясалган эди. XIX аср бошларида скрипка парижлик машҳур Жюли Рекаме хонимга тегишли бўлган.




Кейинроқ у Наполеон армиясининг генерали Габриэл Жан Жозеф Молистор ихтиёрига ўтган ва скрипка унинг номи билан атала бошланган.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, скрипка шахсан Наполеон Бонапартга тегишли бўлган. Лекин бу фикрни тасдиқловчи тарихий ҳужжатлар мавжуд эмас.

«Молистор» барча мусиқа асбоблари, шунингдек, Страдивари томонидан ясалган бошқа скрипкалар ўртасида ҳам нарх бўйича рекорд ўрнатди. 2006 йилнинг майида Страдивари ижодига мансуб, 1707 йилда ясалган «Хаммер» скрипкаси 3,544 миллион долларга сотилган эди.

Яқинда Украинанинг Днепропетровск вилоятида поезд билан тўқнашган автобус эгаси терговдан қочиб, яширинган.

Шамол бўлмаса...



Украина Ички Ишлар Вазирлиги жамоат билан мулоқот департаментининг мамлакат ОАВларига берган маълумотида кўра, ҳозирча кимлиги маълум қилинмаётган ушбу шахс ихтиёрий ҳамкорлик мақсадида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан боғланмаган. Ҳозирча у расман қидирув ҳолатида бўлмаса-да, терговчилар воқеага ойдинлик киритиш мақсадида уни ҳамкорликка чақирмоқда. Шунингдек, мамлакат ИИБ вакиллари воқеани ёритишда терговчилар билан ҳамкорликдан қочиш охири оқибат «айбдорлигини тан олиш» сифатида баҳоланиши мумкинлигини айтиб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, бахтсиз ҳодиса 12 октябр куни содир бўлган эди. Хусусий автобус ҳайдовчиси қизил чироқ ёниб турганига қарамай, кўриқланмайдиган темирийўл ўтиш жойидан чиқиб кетган. Тўқнашув оқибатида автобусдаги 52 йўловчидан 45 киши, шунингдек, ҳайдовчи ҳам ҳалок бўлган ва 7 киши оғир жароҳатланган.

Хитой шимолидаги ёнғин

Хитой шимолидаги Нанкин шаҳрида жойлашган кимё заводида 20 октябр куни тонгда кучли ёнғин бошланди, деб хабар қилади «Синхуа» ахборот агентлиги. Ёнғин оқибатлари ҳақида батафсил маълумотлар ҳозирча йўқ, жароҳатланганлар ва қурбонлар сони эса аниқланмоқда.

Айни пайтда, гувоҳларнинг хабар қилишича, муассаса устида кучли қора тўпдан тўпланган. Завод ичидан эса портлаш овозлари эшитилмоқда.

Ҳодиса жойига шахар тезкор ёрдам ходимлари етиб келишган. Ёнғиннинг маҳаллий экологияга қай даражада таъсир қилиши ҳам ҳозирча номаълум.

Охириги энг йирик кимё заводи ҳалокати 5 октябр куни Венгрияда содир бўлган. Ушанда захарли чиқиндилар сақланадиган резервуар ёрилиб, бир неча аҳоли пунктларини босиб кетган эди. Оқибатда 4 киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар кимёвий куйиш билан жароҳатланган.



Киев экология-маданият маркази директори Владимир Борейко мамлакат президенти Виктор Януковичга делфинларга фуқаролик ҳуқуқи бериш тўғрисида очик хат билан мурожаат қилди. Хатда, жумладан, шундай дейилади: «Сиздан, Украина делфинларига одамларга берилгани каби, яшаш, озодлик ва одамзот айби билан ноқонуний жабр чекишдан ҳимояланиш ҳуқуқини берувчи Украина фуқароси даражасини бериш масаласини кўриб чиқишни илтимос қиламан».

Делфинларга... фуқаролик???



Экологнинг сўзларига кўра, «бу борада бутун дунёга ўрнак кўрсатиб», муаммоларни кескин ҳал қилиш вақти келган. Борейко делфинарийлар фаолиятини ҳам тўхтатишни таклиф қилган.

Экомарказ директори ўз мурожаатномасида делфин миясининг юқори даражада ривожланганлиги ҳақидаги тадқиқот натижаларига ҳам ишора

қилиб ўтади. «Делфинларга ўз-ўзини англаш хусусияти хосдир. Шунингдек, улар келажак ҳақида фикрлай олади», — дейди у.

Владимир Борейко делфинларнинг фуқаролик ҳуқуқларини Украина Конституцияси билан мустаҳкамлаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда у ўз мурожаатномасида: «Суд ҳуқуқчилигида оталиққа олиш институтларини қўлланган ҳолда, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун делфинларнинг суд жараёнларида қатнашиш имкониятини эътиборга олиш лозим», — деб ёзади.

Эколог Украина делфинларига фуқароликнинг берилиши дунё бўйича жониворларга инсонпарварона муносабатнинг янги даври бошланишига туртки бўлиши мумкин, деб умид қилмоқда.

Рекордлар китобига кирган мушук

АҚШнинг Невада штати Рино шаҳрида яшовчи мушук дунёдаги энг узун уй мушуги деб топилди. Мейн-кун зотига мансуб Стюи лақабли жонивор Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Унинг узунлиги 123,2 сантиметрни ташкил этади.




Мушук эгалари Робин Хендриксон ва Эрика Брэндснеснинг сўзларига қараганда, жониворнинг узунлиги меҳмонларни доимо ҳайратга солган. Шундан сўнг бу хусусиятни рекордлар китобига киритиш учун ариза беришга қарор қилишган.

Мушук 2005 йил май ойида сотиб олинган бўлиб, аслида 2008 йилда Рекордлар китоби вакилларига мурожаат қилишни ўйлашган. Аммо ўсиш давом этаётгани сабаб, кутишга қарор қилишган.

Аввалги энг узун мушук рекорди 121,9 см бўлиб, у ҳам мейн-кун зотига мансуб эди. Мейн-кунлар дунёдаги энг йирик уй мушуклари саналади. Нисбатан йирик гавдали ва кучлилигига қарамай, улар жуда ювош бўлади.

Стюард қамоқдан қутулиб қолди



Йўловчи билан бўлган можародан кейин, ҳалокат йўлагидан чиқиб, самолётни тарк этган «JetBlue» авиакомпаниясининг собиқ стюарди Стивен Слейтерни суд мажбурий даволаниш ва собиқ иш берувчиси фойдасига жарима тўлашга ҳукм қилди.

Ҳодиса шу йилнинг 9 август куни Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди аэропортида юз берган эди. ОАВ хабарларида ёзилишича, шошқалоқ йўловчилардан бирининг жомадони юк жавонидан Слейтернинг устига тушиб кетади. Слейтер йўловчидан узр

сўрашни талаб қилади. Рад этилгач, эълон бериш қурилмаси орқали йўловчининг баланс овозда ҳақорат қилади ва бир шиша пивони олиб, ҳалокат йўлаги орқали самолётни тарк этади.

Слейтер ўзини жинояткорона зарар келтиришда айбдор деб тан олди ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар билан ҳамкорлик қилишга рози бўлди. Суд уни камидан бир йил психолог назоратида бўлиш ва ичкилик-бозлиқдан даволанишга ҳукм қилди. Бундан ташқари, у собиқ иш берув-

чиси «JetBlue» компаниясига 10 минг доллар жарима ҳам тўлайди. Агар 38 яшар Слейтер суд ҳукмини тўлиқ бажармаса, уч йилга озодликдан маҳрум этилади.

Айбловда қайд этилишича, воқеа пайтида Слейтер ичкилик таъсири остида ва руҳан тушқун ҳолатда бўлган. Судланувчининг сўзларига қараганда, у яқинда вафот этган отаси ва касал онаси сабаб, стресс ҳолатида бўлган. Бўлиб ўтган ҳодисадан кейин у ўз ихтиёри билан 3 йилдан буён ишлаётган компаниясидан бўшади.


Интернет хабарлари асосида
Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Қарши туман касабаси уюшмаси кенгашининг бош ҳисобчиси Нодира Эржаевага онаси

ҲАЛИМА аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қадрият



Бугун катта пахта хирмонини бунёд этган халқимиз қалбида ифтихор туйғуси жўш урмоқда. Бундай улкан зафардан руҳланган ватандошларимизнинг хурсандчилиги тўйларга улашиб кетди.

«...Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар, катта Накурт қишлоғида Тиловқобил Суюнов хонадонидида кўпкарили тўй бор!..»

Каттаю кичик, ёшу қари, отлиғу пиёда жарчининг бу гапини эшитганданок ҳаяжонга тушишди. Чунки қишлоқдаги кўпкарили тўйнинг бу йилги биринчиси эди. Ана энди от чопиладиган пайт келди. Кўпкари давом этади...

Ғолиб элга кўпкари ҳам ярашади

Тўй дарагини эшитган полвонлар нафақат ён-атрофдаги қишлоқлар, балки қўшни туманлару Жиззахдан ҳам етиб келишибди. Қўшни қишлоқлару туманлардан Шерали, Мехроҳон, Отабек, Ҳомид, Жамол, Исо, Шербек, Рустам каби полвонлар ўз элининг, Акбар, Бўлиш, Низом, Жалол каби полвонлар Жиззахнинг шаъни учун майдонда шай туришибди. Бир пайтлар от устида ўйин кўрсатиб, манаман деган чавандозларни-да доғда қолдирган, совриннинг олдини олиб қайтадиган қўшработлик кекса Элбек полвон ҳам шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатиб, оқ фотиҳа берапти. Майдон чавандозларга тўлган. Кимдир отини айлантриб совитаяпти. Бир гала полвонлар отларини қизитиш учун улоқни ҳар тарафга олиб қочиб, баҳс бойлашяпти. Атрофни эса томошабинлар қуршаб олган. Ҳаммининг оғзида бир гап: «Бугун зўр улоқ бўладиганга ўхшайди».

Хуллас, сомондан доира шаклида жана (улоқ ташланадиган жой) қилинди. Оқсоқолнинг фотиҳасидан сўнг улоқ ўртага ташланиб, кўпкари бошланди. Полвонлар ёппасига улоққа

ёпирилишди. Одамларнинг қийқириқ-олқишлари остида бир полвон улоқни айириб чиқди. Халқ жазавага тушиб бақиради:

«Ҳайда, Ҳомид полвон, бўш келма!!!»

Полвон бу олқишлардан тўлқинланиб кетиб, отига кетма-кет қамчи урди. Елдек учаётган от баттар тезлашди. Ортидан от қўйиб келаётганлар доғда қолди. От қуюндай учиб кетди. Полвон улоқни жанага олиб келиб ташлади. Одамлар унинг шаънига турфа мақтовларни қалаб ташлайди:

«Яша, Ҳомид полвон!»

«Отанга раҳмат!»

«Оти ҳам ҳақиқий тулпор экан!»

«Бойчибор деса ҳам бўлади!»

«Полвон ҳам Алпомишдай экан!»

Шундай олқишлар остида улоқ давом этади. Мана яна бир полвон улоқни ердан узиб, тўдани ёриб чиқди. Лекин тўда илгариласига йўл бермади. Полвон тик қияликка ҳеч иккиланмай жилвони бурди. Таъқиб этувчилар ундан қолишмас, от ҳам шиддат билан тепага ўрларди. Шу пайт қутилмаган ҳодиса рўй берди. От худди ўргатилгандек дабдурустдан ортга қайрилиб, шамолдек елди. Тик қияликдан юрак

ютиб, қушдек елиб тушаётган чавандознинг жасорати ҳайратланарли эди. Эл оёққа қалқди. Чавандозни олқишлай бошлашди: «Полвон дегани мана бундай бўпти. Ори учун ҳар қандай синовга тайёр-а!!!» Таъқиб этувчилар бир муддат довдираб қолди. Бу вақтда полвон манзилга етган, олқишлар ичра турарди...


Куёш уфққа бош қўйяпти ҳамки, ўйин давом этади. Полвонлар шиддат билан улоққа ёпирилишади. Зўр майдонда синалади, деб бежиз айтилмайди. Зўр бўлсанг, улоқни айириб чиқ. Улоққа кираётган ёш полвонларни кўрсангиз эди. Бир неча бор соврин олган Беғали, Ҳусниддин, Очил, Нуриддин, Омад полвонларнинг номи ҳам шу тўйда элга ёйилди.

Соврин олган полвоннинг шодлиги ичига сиғмайди. Омади келмай улоқ тегмагани гўдранади: «Бугун бўлмаса, эртага оларман. Кўпкари бор экан, бир кун албатта ғолиб бўламан».

Қаранглар-а!

Ғолиб элга кўпкари жуда ярашар экан.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдухолиқ
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев

(Бош муҳаррир ўринбосари),

Жаҳонгир Шарофбоев

(масъул котиб),

Маъмура Адилова,

Нормамат Аллаёров,

Носирхон Акбаров, Ойсулул

Нафасова, Пиримкул

Кодиров, Соғиндик

Ниетуллаев,

Шамси Эсонбоев

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;

Бухоро + 99893 653 50 81;

Жиззах + 99892 517 48 64;

Навоий + 99893 725 46 40;

Самарқанд + 99866 933 25 04;

Сурхондарё + 99897 458 05 07;

Фарғона + 99891 679 32 79;

Қашқадарё + 99897 414 30 78

Қорақалпоғистон Республикаси

ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичим А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

«Бухоро» кўчаси, 24-уй.

Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Ш.Абдусаматов

Мусахҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш

вақти - 21.00

Топширилди - 05.40

Буюртма Ғ— 951

Тиражи: 11350

ISSN 2010-5002

1 2 3 5